Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 24 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 54 (6751)

Даъват

Тўрт нарса, яъни бадфеъллик, бадқовоқлик, такаббурлик ва дилозорлик кишига хору зорлик келтиради.

ЖАЪФАР СОДИҚ

Ибрат

Урганч шаҳар ҳокимининг махсус қарорига кўра, умумтаълим мактабларининг ҳар бирига 3-4 талан қурилиш, саноат, транспорт ва алоқа, кичик ва хусусий корхоналар оталиқ ташкилотлари сифатида бириктириб қўйилди. Масалан, 300-кучма механизациялашган колонна (бошлиғи Абдуллаев) 16-мактабда таъмирлаш ишларига холисона ёрдам берилди. Мактабнинг 150 квадрат метр ҳажмдаги ошхона поли қайта таъмирланди.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТГА ОЗ ҚОЛДИ

Ҳамма нарсанинг салмоғи бор. Ҳар бир нарсанинг салмоғини ўлчаш мумкин. Ҳатто ишнинг ҳам. Тасаввур қилинг: дейлик тарози. Унинг бир палласини Иш аталмиш унсур босиб турибди. Ишни кўтармоқ (яъни бажармоқ) учун оёғингиз остидаги (чунки, у ўзингизники-да!) Имкон тошларини тарозининг иккинчи палласига ташлашингиз керак. Машойиҳлар ҳам бежиз: «Ишнинг салмоғи имкон билан» дейишмайди-да. Улар яна айтишадики: «Иш имкон даражасида, боз устига ўз вақтида бажарилса, унинг салмоғи икки карра кўринарлик бўлади» (Дарвоқе, ёзда керак бўлгувчи чайла қишга бориб битса, ундан не наф!)

Ҳуллас, ана шунақа гаплар. Турфа тасаввурлару машойиҳларнинг ақлли гаплари ўз йўлига. Бироқ Вақт ўтиб боряпти. Унинг жиловидан тутмоқни эса одамзот уддалаши керак.

Халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо СУЛТОНОВ раҳбарлигидаги янги ўқув йилига тайёргарлик штаби аъзолари бу сафар тезкор Вақтнинг шамолини ўзгаларга ҳам сездирмоқни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Даставвал, халқаро алоқалар ва дипломатия университети қошидаги ижтимоий йўналишдаги махсус компьютерлашган республика гимназиясига борилди. Штаб аъзолари — Таълим-тарбиянот бошқармаси бошлиғи Б. Ҳамидов, Капитал-қурилиш бошқармаси бошлиғи Н. Атаметов, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Э. Магдиев, «Таълим-Тарбиянот-Жиҳоз» бош директори Б. Раҳимжонов, Фан ва таълим бошқармаси бошлиғи М. Лапасов, Янги турдаги ўқув муассасалари бошқармаси етакчи мутахассиси С. Абдуллаева, Молия бошқармаси бошлиғи Ш. Ғуломов ва бошқалар жамулжам бўлиб, бинони кўздан кечирмоққа киришдилар. Гимназия биноси (яқинда берилибди) бошдан оёқ таъмирдан чиқарилаётган экан. Ўқув даргоҳи директори А. Умаров жараён билан бирма-бир танишгириб чиқди. Режаларини айтди. Бир гуруҳ таъмирчилар енг шимариб ишлашяпти. Ҳамма нарса қизғин кетяпти.

— Гимназияни 12 августгача янги ўқув йилига тахт қиламиз, — деди директор.

Бироқ бу гапга кўпчилик ишонқирамади. Иш сурьатига қараб, албатта. Чунки, иш деган қалашиб ётибди. Шу боис, Муртазо Султонов алоҳида таъкидлади.

— Мақсад яхши. Аммо, бу кетишда 12 август тугул, сентябрга ҳам ишлар уддаланмайди. Шунинг учун таъмирчиларнинг сонини кўпайтириш пайида бўлиш керак.

Гимназия директорига йўл-йўриқлар кўрсатилди. Таъмирлашдаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида тегишли ташкилот мутасаддиларига кўрсатмалар берилди.

Кейинги манзил Республика махсус болалар ва ўсмирлар Олимпия маркази бўлди. Шу ерда қизиқ бир фалсафани шипшитмоқчи эдик. Инсон нимадан манфаат кўрса, ўшанга маҳлиё бўлиб қолаверар экан. Биз ҳам иссиқдан бўғриқиб келиб, бу ердаги арғувондай-арғувондай дарахтларга маҳлиё бўлиб, тепадан кўзимизни узмабмиз. Бир маҳал, оёғимиз остига назар ташласак, аҳвол бошқача. Зиналар кучиб ётибди. Бурчакка ахлат уюб ташланган. Ут босиб ётибди. Хуллас, кўргулик эмас. Бу ердаги аҳволни бир ҳафта мобайнида эпақага келтириш топширилди.

Республика Ҳунар таълим илмий текшириш институти. Номдор даргоҳ. Бироқ у маҳобатли бинонинг биргина қаватини, тўғрироғи унинг ярмини эгаллаган экан. Шу боис, институт директори Ҳикмат Рашидов йўлбошчилигида кафедралар, лабораториялар ва бошқа хоналарни жуда тез назардан ўтказиб чиқдик. Баъзи хоналар, айниқса, йўлак линолиум буёққа муҳтож. Бу ишларни 15 августгача бажариш устидан назорат қилиш шахсан шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Э. Магдиевга топширилди.

Юқорида айтганимиздек, вақт ўтиб боряпти. Янги ўқув йилига тайёргарликни тугатиш борасида белгилаб қўйилган муддатлар ҳам қундан-кун яқинлашяпти. Уша кунларгача Сизга Ассалому алайкум. Яъники, сизни тинчлик-хотиржамлик тарк этмасин. Ғайрат-шижоатингиз сунмасин. Бошқаларга ҳам:

— Ассалому алайкум!

Асқар ШОКИР.

Олтин ёз — ўтмоқда соз!

МЕВАЛИ БОҒДАГИ ОРОМГОҲ

Чимбой тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Жасмиқ» болалар оромгоҳи ана шундай гўзал масканда — Қ. Авезов номли жамоа хўжалигининг боғида жойлашган. Биз ушбу оромгоҳга туман халқ таълими бўлими мудири Айтмурот Абдуллаев ва шаҳар халқ таълими бўлими мудири Давлатбой Жўрабековлар ҳамроҳлигида ташриф буюрдик. Бу ерда боғ мевалари пишиб ётибди. Болалар ундан баҳраманд бўлишяпти.

—Боғни кўриб болаларда бошқача тушунча—табиатга меҳр-муҳаббат туйғуси пайдо бўлиши бизнинг оғир экологик шароитимизда, айниқса, жуда муҳимдир,—деди шаҳар халқ таълими бўлими мудири Д. Жўрабеков.—Бу ерга сиз билан бирга ташриф буюрганимга, ўртоқ муҳбир, ҳайрон бўлманг, шундай гўзал оромгоҳда бизнинг шаҳардаги айрим мактаб ўқувчилари ҳам йўқ эмас. Ҳол-аҳволидан хабар олишга келдим, бир ёғи тажриба алмашиш дегандай... Шу орада оромгоҳ бошлиғи Ҳабибулла Холмуротов ҳам келиб қолди.

—Оромгоҳнинг биринчи навбатида 100 нафар бола ҳордиқ чиқарди,—деди бошлиқ бизнинг саволларимизга жавоб берар-кан,—қатъий режа асосида иш олиб бордик. Турли тадбирларни ўтказишга, уларнинг тарбиявий таъсирчанлигини оширишга катта аҳамият бермоқдамиз. Иккинчи навбатда ҳам яна 100 бола дам олади. Гуруҳлар ўртасида «Уткир зеҳнлилар», «Қани, қизлар-эй!» мусобақалари, «Нефтун», «Бантик» байрамлари ўтказилди.

Айниқса, жисмоний тарбия ўқитувчиси А. Олланиёзов раҳбарлигида ўтказилган спорт ўйинлари «Соғлом авлод учун» дастуримизни амалга оширишда муҳим ўрин тутади.

Ёш табиатшунослар станцияси ходимлари экология, қўён парваришлаш, ғулчилик сирлари бўйича махсус машғулотлар ташкил этишди. Туман кинотеатри маъмурияти билан ўзаро келишилган ҳолда оромгоҳда ҳафтада икки марта қизиқарли фильмлар намойиш қилинмоқда. Туман маданият уйидан келган санъаткорлар ижросидаги шўх қўшиқлар, дилрабо куй ва жозибали рақслар болаларга манзур бўлаётир.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

Сурайё Ваҳобова Бухоро шаҳридаги 16-ўрта мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси. Ҳозирда у Ўзбекистон-Америка қўшма лагерида дам олаётган болаларга табиат қўйнида инглиз тилини ўргатиб, жаҳон саҳнасига олиб чиқишдек шарафли ишни давом эттирмоқда.

СУРАТДА: С. Ваҳобова.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самдан миннатдорлик мактуби келди. Унда Ким Ен Сам Президентимизнинг йўллаган мактуби учун миннатдорчилик, «ЎзДЭУавто» заводи ишга тушиши муносабати билан қизғин табрик ва иккала мамлакатнинг бундан буёнги ўзаро ҳамкорлигига юксак ишонч изҳор этган.

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркиянинг «Эка» иқтисодий хабарлар агентлиги соҳиби, шу номдаги журнал ноширн Муҳаррам Ўзгувенни қабул қилди.

❀ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида республикамиз пойтахтида ЮНФПА — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё ва Озарбайжон учун аҳоли ўрнашиш жамғармаси ваколатхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

❀ Ўзбек олимлари таркибида фтор элементи бўлмаган фосфорли ўғитлар тайёрлаш технологиясини яратишди. Бу жаҳон тажрибасида ҳали бўлмаган эди.

❀ Россия Бош вазири В. Черномирдин янги ҳукумат таркибида Бош вазирнинг уч нафар, яъни молиявий-иқтисодий, ижтимоий ҳамда саноат мажмуаларига мутасаддилик қилувчи биринчи ўринбосарлари бўлишини, тўртинчиси, яъни мудофаа саноати фаолияти учун жавобгар биринчи ўринбосар ўрни ҳам эҳтимолдан холи эмаслигини таъкидлади.

❀ Ҳиндистон парламентида 545 нафар депутатнинг парламент фаолиятида илк бор қатнашаётганлиги боис бир талай ноодатий муаммолар юзага келмоқда. Улар учун махсус ўқув ташкил этилган. Парламент президенти Пурно Сангма депутатларга парламент бозор эмаслигини, мажлислар залида қичқирмаслик, чекмаслик, чой ичмаслик, бош кийимда ўтирмаслик кераклигини зўр бериб уқтирмоқда.

❀ «Бешикдан қабргача илм изла» деган ақидага амал қилган 40 мингга яқин 55 ёшдан ўтган немислар Германиянинг университетлари ва институтларида таҳсил олишмоқда.

Абитуриент—96

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

ўрта махсус билим юртларида абитуриентлардан ариза қабул қилиш муддати 25 июлга қадар узайтирилди

Бу узайтирувдан, албатта, қувониш зарур. Чунки, тан олиш керак, ҳали жуда кўп ёшларимиз ҳужжат ва аризаларини қўлтиқлаб қай бир билим юрти эшигини қоқишни билмай турибди. Шоядки, шу узайтирилган фурсат мобайнида бу ўйчиларнинг уйи битиб, бирор ўқув юртини танлашса... Узбекистон Халқ таълими вазирлигининг педагогик таълим ва фан бош бошқармаси бошлиги муовини Қудратхўжа Муминхўжаевнинг таъкидлашича, бу ёшларнинг аксарияти, албатта, педагогика билим юртларига ҳам ариза топширишади. Хуш, бундай тахминга асос борми? Бор, дейди Қ. Муминхўжаев:

— Чунки педагогика билим юртларидаги талабалар таҳсил олиши учун шарт-шароитлар, озгина нокамтарлик бўлса-да, айтиб утиш жоизки, кўпгина билим юртларининкидан устун. Бу ҳақиқат оғиздан-оғизга утиб ўқиш истагида юрган кўпгина ёшларимизнинг қулоғига етиб борган бўлса, ажабмас. Мана, айни кунгача республикамиз педагогика билим юртларининг кундузги бўлимига 6970 нафар, сиртқи бўлимига 2570 та абитуриент ариза топширган. Демак, битта талабалик ўрнига 2-3 тадан талабгор бор.

Билим юртларимиз қабул ҳайъатлари томонидан абитуриентлар учун, уларнинг ота-оналари учун керакли шарт-шароитлар яратиб берилган. Кунлида илм истаги, келажакда болалар билан ишлаш хоҳиши жўш урган ёшлар учун эшикларимиз ҳамиша очиқ.

Л. БЎРИЕВ.

Диққат, иншолар кўрик-танлови!

Халқ таълими вазирлиги шу йил 10 июлда «Республика умумтаълим мактабларининг 9-11 синф ўқувчилари ва ҳунар билим юртлари талабалари ўртасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган ижодий иншолар танловини ўтказиш ҳақида» 165-сонли буйруғини қабул қилди. Мазкур буйруқ бўйича 1996-97 ўқув йили бошланиши билан барча умумтаълим мактабларида, ҳунар билим юртларида «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» умумий мавзусида ўқувчилар иншолари танлови ўтказилади. Бу йилги танлов Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланади. Мазкур буйруқ билан кўрик-танлов Низоми ҳамда республика босқичи ҳакамлар ҳайъати таркиби тасдиқланди.

«ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР»

Ўтган йилги иншолар танловидан фарқли ўлароқ, бу йилги иншолар танлови барча босқичларда алоҳида-алоҳида ўтказилади. Яъни ўқувчининг мактаб босқичида ёзган иншоси фақат мактаб кўрик-танловида қатнашади, холос. Ғолиб чиққан ўқувчи туман (шаҳар) босқичида иштирок этиб (тавсия қилинган бошқа мавзуда) яна иншо ёзади. Шундай қилиб босқичларда ғолиб чиққан ўқувчи ҳар бир босқичда янгидан иншо ёзади. Ҳар бир босқичда ёзилган иншолар ўша куниёқ ҳакамлар ҳайъати томонидан текширилади ва баҳоланади. Бу усул ҳар бир иншони тезкорликда ва объектив баҳоланишини таъминлайди.

Кўрик-танловнинг мактаб босқичи 10 сентябргача барча мактаблар, лицей, гимназия ва ҳунар билим юртларида тантанали равиҳда, ота-оналар, жамоатчилик, оталиқ ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилади.

Туман, шаҳарларда ўтказиладиган иншолар ҳам бир кунда, барча таълим муассасаларидан 1 нафардан ғолиб ўқувчилар иштирокида ўтказилади. Муддати — 1 октябргача.

Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўрик-танловнинг III босқичи шу йилнинг 20 октябригача ўтказилади. Бу босқичга барча туман ва шаҳарларда, вилоят тасарруфида бўлган лицей, гимназияларда ўтказилган кўрик-танловларда ғолиб чиққан бир нафардан ўқувчилар иштирок этадилар.

Кўрик-танловнинг Республика босқичи шу йилнинг 10 ноябригача Тошкент шаҳрида ўтказилади. Ушбу босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган кўрик-танловларда 1-ўринни эгаллаган ўқувчилар иштирок этадилар.

Аввал эслатганимиздек,

(Давоми 2-бетда)

БЎШ КЕЛМА, НАРИМОН!

Аввал хабар берганимиздек, Америка Қўшма Штатларининг Атланта шаҳрида XXVI ёзги олимпия ўйинлари бошланди. Мазкур спорт байрамида 76 нафар узбекистонлик спортчилар мустақил давлатимизнинг жамоаси сифатида биринчи марта иштирок этишаяпти.

Бўлиб ўтган мусобақалар якунига кўра, узбекистонликлар натижалари чакки эмас. Боксчи Наримон Отаев галабаси, полвонимиз Григорий Пуляевнинг олтинчи, марганчи-спортчимиз Шуҳрат Аҳмедовнинг ўн тўққизинчи, гимнастикачимиз Оксана Чусовитинанинг кўп курашнинг мажбурий дастури бўйича 103 спортчи ўртасида йигирма биринчи ўринни эгаллаганлиги фикримизга исбот бўла олади. Ўйлаймизки, кейинги давраларда спортчиларимиз кўрсаткичлари бундан ҳам зиёда бўлади.

Мухбиримиз.

Акс садо

МАСАЛА АЛЛАҚАЧОН ЕТИЛГАН ЭДИ

Айримлар эса «етилмаган ҳали, чунки одамлар буни ёппасига талаб қилмаяпти», деган фикрни билдиришади. Дарвоқе, гап «Маърифат» газетасининг шу йил 3 июль сонида чоп этилган «Инглиз тилини ўрганиш учун давлат дастури керакми?» давра суҳбати ҳақида кетяпти. Дарҳақиқат, унда Узбекистоннинг келажакдаги равнақи, унинг дунёга бевосита чиқиши учун зарур бўлган инглиз тилининг нақадар зарурлиги очиб берилган.

Мен ҳам миллий мактабда ўқиб—улғайган инсон сифатида бу масаланинг тўғрилигини ҳаётий тажрибамда синаб кўрдим. Даврнинг ўзгариши, Ўзбекистоннинг ҳуррият эришуви натижасида дунё эшиклари биз учун ланг очилиб кетди. Бироқ тил билмаслик оқибатида бу эшиклардан эмин-эркин кириб-чиқиш мушкул эканлиги ҳам кўриниб қолди. Ўзим медицина ходимиман. Кўпчилик қатори дунё тажрибаларини ўрганиб, қолаверса амалга ошираётган илмий ишим билан дунё илмига ҳисса қўшиш ниятида инглиз тилини ўрганишга киришдим.

Биринчи учраттан тўсиғим — мутахассисларнинг ўзбек тилида бирор-бир мукаммал дарслик ва қўлланмани тавсия этишолмаганлари бўлди. Унинг ўрнига рус муаллифлари (Бонк ва бошқалар) чоп этган икки китобдан иборат дарсликни тавсия этишди. Уни топиб ўрганга бошладим. Аввалига тил урганишим яхши кечди, лекин гап тузиш мураккаблашгани сайин менинг рус тилини ҳамин қадар билишим маълум бўлиб қолди. Чунки айрим сўзларни таржима қилиш учун аввал сўзни «Инглизча-русча» лугатдан кўриб, кейин «Русча-ўзбекча» лугат орқали маъносини билишга тўғри келди. Мен бира тўла икки тилни ўргана бошладим. Бир жиҳатдан яхшидир, бироқ бу менинг кўп вақтимни оляпти. Қолаверса қачонгача рус тили орқали инглизчани урганамиз.

Шунда менда оддийгина савол тугилди: наҳотки ўзимизда мутахассислар етишмаса? Наҳотки бунинг учун маблағимиз бўлмаса? Бизнинг Малайзия ёки Японияндан нимамиз кам?

Миямда ушбу ўй гужгон ўйнаётганда «Маърифат» газетасида юқорида номи тилга олинган давра суҳбатини ўқиб қолдим. Албатта, бу хусусда дўстларим билан баҳслашдик ҳам. Бировлари ҳали таъкидлаганимдек, вақт етилмаган десалар, бошқалари вақт аллақачон етилган, халқ унинг кераклигини англаб улгурди каби фикрларни билдиришди.

Менимча бу масалага давлат миқёсида қаралса, орада миллий тилимизга мосланган инглиз тилининг дарслик ва қўлланмалари, «Инглизча-ўзбекча» катта-кичик луғатлар бугунги ҳукумат раҳбариятидан келажакдаги ёшларимизга катта совға бўлиб қоларди. Нега давлат, раҳбарият дедим. Чунки бу ишларни амалга ошириш учун-қанчадан-қанча маблағ керак бўлади. Мутахассисларни айтмайсизми, бугун уларнинг ошиги олчи. Уларни бир жойга жамлаш, мазкур ишларни ташкиллаштириш тартибли, режа асосида бўлса ва албатта мутахассисларнинг иқтисодий эҳтиёжини қондиришга давлатнинг тина ҳукми ва эҳсони етади.

Тўлқинжон ИСАҚУЛОВ,
врач-педагог.

ТИЛГА ЭЪТИБОР

Дания аҳолисининг аксарият қисми бошқарув ишларида инглиз тилининг тобора кўпроқ ишлатилаётганлиги миллий тилнинг камситилишига сабаб бўлмоқда, дейишмоқда.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

ОРТИҚЧА ХАРАЖАТМИ

Исроил ҳукумати собиқ СССРдан келган эмигрант олимларнинг тадқиқот ишлари учун ажратилаётган маблағни тўхтатишни кўриб чиқмоқда.

КИТОБ ВА КОМПЬЮТЕР

АҚШ Ахборот агентлиги чет мамлакатларга компьютер ва китоблар юборишни кўзда тутган дастурни моддий таъминлашни қайтадан бошлади.

БИЛИМ УЧУН

Янги Зеландия пойтахтига жуда кўп талабалар тўплана бошлади. Сабаби, мамлакатда олий маълумот олиш учун тўловларнинг кўтарилиб бораётганлиги экан.

ЯНА ИНТЕРНЕТ ҲАҚИДА

АҚШда бу халқаро компьютер тизимидан фойдаланиш кам даромадли ўқитувчи ва талабалар учун муаммо бўлиб турибди. Яқинда Нью-Йорк технология институти бу масалани ҳал этиш учун алоҳида дастур тузишга киришди.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

ТАРБИЯЧИЛАР «СИНОВ»ДА

Яқинда Марҳамат шаҳридаги Андижон сув хўжалиги коллежи «Ирригатор» маданият саройида туман ёшлари «Камолот» жамғармаси ташаббуси билан «Тарбиячи-96» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Кўрикда туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларига қарашли тарбиячилар иштирок этишди.

Танлов шартларига асосан иштирокчилар касб маҳоратларини намойиш этиш, оила, турмуш муаммоларини ечиш каби мавзудаги саволларга жавоб бериш бўйича синовдан ўтдилар.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига кўра, биринчи ўринга шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли «Табассум» 3-болалар боғчаси тарбиячиси Шоҳиста Қодирова лойиқ деб топилди.

«БИНАФША» — ИФОРИ БЎЛАКЧА

Қибрай туманидаги Ойбек номли 2-ўрта мактабда «Бинафша» ёзги дам олиш оромгоҳининг иккинчи мавсуми бошланди. Ҳозир бу ерда 120 ўқувчи мароқли дам олаяпти. Оромгоҳда турли гуруҳлараро қизиқарли мусобақалар уюштирилаётир. Яқинда Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига атаб қўшиқлар танлови, спорт мусобақалари ўтказилди. Оромгоҳлараро ўтган ушбу мусобақада «Бинафша» биринчи ўринни эгаллади.

МАЛАКАНГИЗНИ ОШИРИБ ҚОЛИНГ

Боғот туманида мактабгача тарбия муассасалари ходимларининг ҳафталик курси ниҳоясига етди. Бу хилдаги махсус курсларнинг ташкил этилишидан мақсад тарбиячиларнинг 1996-97 ўқув йилидан бошлаб кичкинтойларни лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосида ўқитиш учун малакасини оширишдир.

КИЧКИНТОЙЛАР «ҚИЛИҚ»ЛАРИ

Яқинда шаҳримиздаги «Учқун» болалар боғчасида «Соғлом авлод» шиори остида ўтказилган спорт байрами ҳам ажойиб тадбирлардан бири бўлди. Айниқса, болаларнинг жаж-жи жуссаларига ярашиб турган спорт кийимларида кўрсатган ранг-баранг ўйинлари, эндигина атак-чечак қадам ташлаётган кичкинтойларнинг «қилиқчалари»ни кўриб, беихтиёр кувонасиз.

Қизиқарли ўтган бу тадбир болаларнинг митти кўзларида ҳақиқий байрам тусида муҳрланиб қолди.

Муаллифлар: А. Эралиев, М. Сулаймонова, F. Ёқубов, Ш. Шоисломова.

ХАБАРЛАРИ

«ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР»

(Боши 1-бетда).

ижодий иншолар кўрик-танлови «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» деган умумий мавзу остида ўтказилади. Танловнинг мактаб, туман, вилоят ва Республика босқичларида метод бирлашмалар, услубиёт хоналари, малака ошириш институтлари томонидан қўйида тавсия қилинаётган тахминий мавзуларнинг учтаси асосида иншо ёзилади.

«Ўзбекистон— Ватаним маним»
«Водийларни яёв кезганда»
«Мен туғилган ўлка»
«Ватан остонадан бошланади»
«Она қишлоғим тарихи»
«Мустақиллик мевалари»
«1 сентябрь — Мустақиллик куни»
«Озод ўлкам — обод ўлкам»
«Порласин истиқлол қуёши»
«Туркистон — умумий уйимиз»
«Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон, ўзбегим».

(Ҳар бир метод бирлашма, услубиёт хонаси, малака ошириш институтлари бу мавзуларни тўлдириши, қўшимчалар қўшиши мумкин).

Иншолар кўрик-танловининг ҳар бир босқичида ҳакамлар ҳайъати бир неча вариантлардаги иншолар мавзуларини ўқувчиларга тавсия қиладилар. Ўқувчилар ўзлари бир неча вариантдан биттасини танлаб оладилар (ҳар бир вариантда 3 тадан мавзу берилади).

Танланган мавзу асосида иншо ёзилади. Ўқувчиларга иншо ёзиш чоғида ҳар хил қўлланмалардан иборалар кўчириб олишга, луғатлардан фойдаланишга рухсат берилади.

Ҳар бир босқичда 1-ўринни эгаллаган ва сўнгги босқичга йўлланма олган ўқувчининг иншоси юқори босқичларга берилган буюртмаларга илова қилинади. Кейинги босқичга ўтган ўқувчилар ўзлари ёзган иншолар мавзусига кўра альбомлар ёки турли кўргазмали қўлланмалар илова қилишлари мумкин.

Кўрик-танловнинг ҳар бир босқичига, унинг тантанали якунлаш қисмига маҳаллий матбуот, радио, телевидение вакилларини таклиф қилиш, кўрикни кенг тарғиб қилишни тавсия этамиз. Ғолиб ўқувчиларнинг иншоларини матбуотда эълон қилиш, энг намуналиларини эса тўплам сифатида чоп этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Бир сўз билан айтганда, «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзусида ўтказилаётган, Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган мазкур иншолар кўрик-танлови ҳар бир мактабда, туман ва шаҳарларда ўқувчилар, ўқитувчилар учун, ота-оналар учун бир байрам бўлишига, зукколар ва билимдонлар беллашуви сифатида ўтишига ишонамиз.

Нурали ЖАЛИЛОВ,
Халқ таълими вазирлиги бош назоратчиси, иншолар кўрик-танлови ҳакамлар ҳайъати аъзоси.

Тошкентдаги 28-мактабда «Миллий меросга ихлос» музейи фаолият кўрсатаётир. Музейга Ўзбекистон аҳолисининг ҳаёти ва яшаш шароити, ҳунар ўрганиши ва маданияти ҳақида кўплаб экспонатлар қўйилган. Уларни томоша қилган киши яқин ўтган даврларда авлод-аждодларимиз қандай ҳаёт кечирганликларини билиб олиши қийин эмас. Бу ерда турли синф ўқувчилари учун тарих сабоқлари бот-бот ўтказиб турилади.

СУРАТДА: ўқитувчи Шоира Содиқова чархда ип йигириш усуллари ҳақида сўзлаб бераётир.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Республика умумтаълим мактабларининг 9 — 11-синф ўқувчилари ва ҳунар билим юртлари талабалари ўртасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган ижодий иншолар кўрик-танловини ўтказиш бўйича

НИЗОМ

I. Кўрик-танловнинг мақсади ва вазифалари

Мактаб ўқувчилари, ҳунар билим юртлари талабалари ўртасида мазкур иншолар кўрик-танловини ўтказишдан асосий мақсад ёшларни Ватанга муҳаббат, унинг ўтмишига ҳурмат, мустақил Ўзбекистоннинг келажагига ишонч руҳида тарбиялашдир. Республикамиз мустақил бўлгандан кейин ўтган беш йил давомида ҳаётимизда рўй берган тарихий ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бориши, улуғ саркарда ва алломаларимиз Амир Темур, Улуғбекларниг юбилейларини умумжаҳон миқёсида нишонланиши ва бу каби бир қатор тарихий, сиёсий, ижтимоий ҳодисаларга ўқувчиларнинг тўғри ва ҳаққоний муносабатини шакллантириш иншолар кўрик-танловининг асосий мақсадидир.

II. Танловни ўтказиш тартиби

Кўрик-танловда умумтаълим мактаблари (лицей, гимназиялар)нинг 9 — 11-синф ўқувчилари, ҳунар билим юртларининг талабалари қатнашадилар.

Кўрик-танлов 4 босқичда ўтказилади.

1-босқич. Барча турдаги мактаблар ва ҳунар билим юртларида ўтказилади. Танловда қатнашиш истагини билдирган 9 — 11-синф ўқувчилари, ҳунар билим юрти талабалари белгиланган мавзуларда иншо ёзадилар. Бу иншолар мактаб, ҳунар билим юртлари директорлари буйруғи билан тасдиқланган ҳакамлар ҳайъати томонидан текширилиб, таҳлил қилинади ва баҳоланади. Кўрик-танловда мактаб бўйича биринчи ўринни эгаллаган бир нафар ўқувчига (синфидан қатъи назар) туман (шаҳар)да ўтказиладиган иншолар кўрик-танлови (2-босқич)га йўлланма берилади.

2-босқич. Туман, шаҳарларда ўтказилади. Мазкур босқичда туман (шаҳар)да жойлашган барча турдаги мактаблар, ҳунар билим юртларида ўтказилган кўрик-танловнинг 1-босқич ғолиблари иштирок этадилар. Кўрик-танловнинг 2-босқичи туман, шаҳарларда халқ таълими бўлимининг услубшунослик кабинетлари томонидан тавсия қилинган мавзулар асосида бир кунда ўтказилади. Иншолар туман (шаҳар) халқ таълими бўлими буйруғи билан тасдиқланган ҳакамлар ҳайъати томонидан текширилиб, таҳлил қилинади ва баҳоланади. Кўрик-танловнинг мазкур босқичида 1-ўринни олган бир нафар ўқувчига 3-босқичда қатнашиш ҳуқуқи берилади.

3-босқич. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилади. Мазкур босқичда туман, шаҳарларда ўтказилган кўрик-танловда 1-ўринни эгаллаган ўқувчилар иштирок этадилар. Кўрик-танловнинг 3-босқичи бир кунда жойлардаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари томонидан тавсия қилинган мавзулар асосида ўтказилади. Иншолар Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари буйруғи билан тасдиқланган ҳакамлар ҳайъати томонидан текширилиб, таҳлил қилинади ва баҳоланади. Кўрик-танловнинг мазкур босқичида 1-ўринни олган бир нафар ўқувчига 4-босқичда қатнашиш ҳуқуқи берилади.

4-босқич. Республикада Тошкент шаҳрида ўтказилади. Мазкур босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган кўрик-танлов ғолиблари иштирок этадилар. Кўрик-танловнинг 4-босқичи Республика таълим илмий методика маркази томонидан тавсия қилинган мавзулар асосида бир кунда ўтказилади. Иншолар вазирлик буйруғи билан тасдиқланган ҳакамлар ҳайъати томонидан текширилиб, таҳлил қилинади ва баҳоланади.

III. Умумий қоидалар

— Иншолар барча босқичларда тегишли муассаса белгиси туширилган махсус дафтарларга ёзилади;

— кўрик-танловда ғолиб деб топилган барча иншоларга ҳакамлар ҳайъати томонидан тақриз ёзилади;

— иншолар икки хил — саводхонлиги учун ва мазмуни учун баҳоланади;

— ғолиб сифатида кейинги босқичга йўлланма берилган ўқувчининг иншоси ва тақризлар буюртмага илова тарзида тақдим этилади;

— кўрик-танловнинг тегишли босқичларида ғолиб бўлган ўқувчилар ўз иншоларига илова тарзида кейинги босқичга альбомлар, кўргазмали воситалар тайёрлаб келишлари мумкин;

— ҳунар билим юртлари ва лицейлар ўқувчилари кўрик- танловнинг 2-босқичида ўз туман, шаҳарларида ўтказиладиган танловларда иштирок этадилар.

IV. Танлов ғолибларини рағбатлантириш

Мактаб, ҳунар билим юртлари раҳбарлари, туман, шаҳар, вилоятлар халқ таълими бўлим ва бошқармалари ғолиб ўқувчиларни, уларнинг ўқитувчиларини тақдирлаш учун маблағ ажратадилар.

Республика кўрик-танлови ғолиби деб топилган иншолар муаллифларига ва уларнинг ўқитувчиларига қуйидаги миқдорда пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар топширилади:

1 та биринчи мукофот — 3000 сўм;

2 та иккинчи мукофот — 2500 сўмдан;

3 та учинчи мукофот — 2000 сўмдан;

5 та рағбатлантирувчи мукофот — 1500 сўмдан.

Ўз ўқувчиларини Республика кўрик-танлови ғолиби даражасига олиб келган ўқитувчилар Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларининг тавсиясига биноан тақдирланадилар.

Талаба-ёшлар ҳаёти

КЕЛАЖАК ҲАҚИДА ГУРУНГ

Ёшлар билан ишлаш масаласи ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммоларидан бири. Чунки, кўп жойларда бу борадаги ташкилий ишларга етарли аҳамият берилаётгани йўқ. Бунинг муайян сабаблари ҳам йўқ эмас. Чунончи, ёшлар иттифоқи тарқаган бўлса-да, ҳали янги умидли ташкилот — «Камолот» жамғармаси тўла қувват билан ишга киришганича йўқ. Лекин баъзи жойларда «Камолот» жамғармасининг ҳаётимиздаги тутган ўрнини тўғри англаб, унга жиддий муносабатда бўлмоқдалар. Ана шундай муносабатни Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетида ҳам кўриш мумкин. Биз бу борада шу факультет ёшларининг сардори Бекмурод Сатторов билан суҳбатлашдик. У факультетда «Филолог» деб номланган радиоэшиттириш ташкил қилинганлиги ва инглиз лексикаси кафедраси билан биргаликда ўрганилинаётган тил соҳаси бўйича ҳар ярим йилликда бир марта кўрик-танлов ўтказилиши ҳақида гапириб берди. Шунингдек, бу факультет «Ўзбекистон—Ватаним маним» кўрик-танловини ҳам ўтказди. Факультет бадиий ҳаваскорлари аввал Акмал Икромов туманида ғолиб чиқиб, кейин республика миқёсида туман шарафини ҳимоя қилди.

Мен Б. Сатторовнинг таклифи билан унинг хонасига кирганимда, дарҳол у ердаги жиҳозлар — жавонга дид билан терилган хилма-хил китоблар, деворнинг икки томонига илиб қўйилган Ўзбекистон ҳақидаги сермазмун лавҳалар, радиоэшиттиришлар олиб бориш учун керакли бўлган жиҳозлар, хонанинг кўркам ва ёруглиги диққатимни тортди. Мени яна, инглиз филологияси факультетида катта танаффус мобайнида радиоузел орқали талаба-ёшларга инглиз, рус ва ўзбек тилларида янги хабарлар, турли қўйлар қўйиб берилиши қизиқтирди. Чунки бу бир вақтнинг ўзида талабаларга ҳам янгиликлардан хабардор бўлиш учун, ҳамда тилни «чархлаш» ва маълум маънода ҳордиқ чиқаришлар учун ўзига хос имконият эди.

Ёшлар ташкилоти бу янгича тизимнинг факультетда мустаҳкам мавқега ва катта ютуқларга эришувида факультет раҳбарияти, айниқса, декан, филология фанлари номзоди, доцент Каримберди ака Раҳмонбердиевнинг хизматлари катта. Унинг ёшларни бутун қалби билан севиши, талабаларнинг дарди билан, қувончлари билан яшаётгани у киши билан бўлган суҳбатда яққол намоён бўлди.

— Баъзи факультет раҳбарлари ёшларнинг етакчиларига упча эътибор бермайди. Сиз эса барча шароитларни яратиб берибсиз. Бу ҳаракатларингизни Ёшлар ташкилоти оқлайди деб ўйлайсизми? Ҳозирги ёшларга қаттиқ ишонишингизнинг сабаби нимада?

— 50-йилларда мен ҳам ёшлар ташкилотида ишлаганман. Ҳозирги ёшларнинг шароити билан аввалги «комсомол»ларнинг шароитини қиёслаб бўлмайди. Мустақил Ватанимизда ёшлар ҳамма нарсага эркин муносабатда бўлиш ҳуқуқига ва имкониятига эга. Хоҳласа ўқийди, хоҳласа тижорат билан шуғулланади. Хоҳласа, чет тилларда таълим олиши мумкин.

Маълумки, Шўролар даврида ёшларни махсус чалғитиш учун ўйлаб топилмаган «Оталар ва болалар» муаммоси бугун йўқ. Ҳозир ўз отасини қоралаб, унга хиёнат қилган Павлик Морозов кабиларни у дунёю бу дунё гуноҳкор дўзахи болалар деб аташ ҳам ҳаммага аён. Оталар қолоқ, болаларнинг янгиликка интилишини тушунмайдилар, деган большевистик сафсата ўрнини энди миллий қадриятлар, ота-онага қулоқ солиш, уларга хизмат қилиш энг улуғ савоб ва шараф деган ҳақиқат эгаллади. Шунинг учун мен уларга ишонаман.

Биз яқинда факультет илмий кенгаши билан маслаҳатлашиб, ёшларнинг етакчиси Бекмурод Сатторовни шу кенгашга аъзо қилиб олдик. Чунки, у талабалар билан доим мулоқотда бўлади. Умуман, Б. Сатторов ёшларимизнинг илмий кенгашидаги ишончли вакилидир. Кези келганда, шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, келажаги буюк давлатни ҳар томонлама соғлом авлодларгина қура олади. Бунда нафақат жисмоний, балки маънавий ва руҳий соғломлик катта аҳамиятга эга. Ҳозирда тикланаётган миллий қадриятларимизни қай даражада аҳамиятли эканлигини ёшларимизнинг англаб етишлари ҳам шунга боғлиқ. Бу борада факультет талабалари фаолиятини аъло баҳолаш мумкин. Зеро, биз ўз миллий қадриятларимизни англаб етмас эканмиз, уларни қайта тиклашга бутун кучимизни сарф этмас эканмиз, очиқ қилиб айтганда, маънавий қуллиқдан чиқа олмаймиз.

Мен деканнинг хонасидан чиқар эканман, руҳимда баланд кайфият, ёшларимиз истиқболига улкан ишонч ҳиссини туйдим.

Анвар ШЕРОВ,
Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети инглиз филологияси факультетининг 2-курс талабаси.

Мактабгача тарбия муассасаларида

ЛОТИН АЛИФБОСИНИ ЎҚИЙ ОЛАДИЛАР

Зомин туманидаги «Бинафша» болалар боғчасида меҳнаткашларнинг 60 нафар ўғил-қизи тарбияланади. Уларни ҳур замон эркатойлари дегимиз келади. Тарбиячилар болаларнинг соғлом ва баркамол ўсишлари учун камарбасталар. Беш нафар тарбиячи куну тун болаларга парвона. Ҳамшира Матлуба Носирова кичкинтойларни ҳамиша тиббий кўрикдан ўтказиб туради.

Боғча хоналари ва ҳовлисида кичкинтойларнинг турли машғулотлар ўтказишлари учун шароит етарли. Тарбиячилар ўғил-қизлар билан биргаликда сўзлашиш нутқини ривожлантириш, сурат чизиш, тикиш тўгаракларида қизиқарли машғулотлар ўтказишади.

Боғчада болаларнинг саводини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Кичкинтойларга лотин ёзуви асосидаги янги ўзбек алифбосидан сабоқ бериляпти. Жажжи болакайлар бугунги кунда алифбодаги 33 ҳарфни бемалол ўқий оладилар.

Боғча жамоаси тўгараклар фаолиятини ташкиллаштириш ва тарбия соҳасидаги ишлар якуни бўйича вилоят миқёсида ўтказилган кўрикда юқори ўринни олишга сазовор бўлди. Бунда тарбия муассасасининг мудираси М. Холиқова, тарбиячилар И. Носирова, М. Ҳабибуллаева ва бошқаларнинг хизмати каттадир.

Зулхумор ҲАМИДОВА,
Жиззах вилояти.

ТАЛАБАЛАР НОНИДАН ТАТИБ КЎРИНГ

Тошкент давлат университети Талабалар шаҳарчасида талабаларни кундалик иссиқ нон билан таъминлаш мақсадида «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси ташаббуси билан кичик нон заводи қурилиши тугалланди. Германия технологияси асосида ишлайдиган бу нон заводи икки сменада суткасига 7-8 тонна турли хил нон маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

Н. ОЧИЛОВ.

Август кенгашларига

СЎЗ ЖАВОҲИРЛАРИНИ ТЕРИБ

Ўзбек тили республикамизнинг Давлат тили деб қонунлаштирилиши халқимизнинг маданий ҳаётида катта воқеа, буюк бурилиш бўлди. Бу ўзбек халқининг ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим муаммоси, энг эзгу орзуси эди.

Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари давлат тилининг ҳақиқий жонкуяри, фидойиси бўлиши керак. Теварак-атрофдагиларга, катта-кичикка, бутун ёш авлодга унинг бошқа тиллар қаторидаги обрў-эътиборини, моҳиятини тушунтириши зарур бўлса, далиллар асосида аниқ ва батафсил изоҳлаши, уни бойитиб бориши биринчи галдаги бурчидир.

Тилни халқ яратади. Тил халқ билан, жамоатчилик билан ҳамжиҳатликда, ҳамфикрликда юзага келадиган ижтимоий воқеликдир. Унинг этимологияси, грамматик қурилиши, истиқболи, тақдири шу тариқа давом этади, авлодлардан-авлодларга етиб бораверади. Шу ўринда Беруний бобонинг доно саволи қалбингизнинг қат-қатидан варақ очаверади... Олим айтади: «Тил — сўзловчи истагини тингловчига етказувчи таржимон... Агар инсоннинг сўзлаш қуввати ҳамма жойга шамол сингари ёйилувчи бўлмаганда эди ва замонлардан-замонларга нафас сингари ўтувчи хат ёзиш санъатини келтириб чиқармаганда эди, ўтмиш замонларнинг хабарини, айниқса, узоқ замонлар ўтганда ҳозирги замон тилларига қандай кучириб бўлар эди?»

Ҳозирги кунда бу ажойиб саволга замонлар зарбасидан омон ўтиб келаётган музаффар она тилимизнинг ўзи жавоб бермоқда. Бунда илм масканларининг маълум даражада ҳиссаси бор. Маълумки, дарс жараёни тилни ривожлантиришнинг энг муҳим воситасидир. Шу боис ҳар бир дарс ўзининг чуқур маънавияти, таҳлили юксак илмий моҳияти, грамматик қурилиши билан ажралиб туриши керак. Мен дарсни руҳиятнинг жонли китоби дегим келади. Уни варақлаган сайин янги услублар, янги шакллар юз очади. Гўёки, ғўзаллик дунёсининг бепоён осмонида беҳисоб юлдузларнинг шуъласи кўринаверади...

Агар инсон нутқи оламида ўртача 8000-10000 сўз яшаса, болада бу энди-энди шаклланиб, аста-секин кўпайиб, қомат ростлайверади. Ушанда тийрак нигоҳлар қаршисида ғаройиб мўъжиза рўй бергандек бўлади. Жонли ва жонсиз мавжудотнинг қандайдир тимсоли, қиёфаси пайдо бўлади, у маълум бир атама, сўз билан ифодаланади. Муқаддас каломга, сўзга шайдолик ҳисси, муҳаббат шавқи шу тариқа уйғонади. Тил дарслари ана шуниси билан ҳам қизиқарли, жонли, жозибалидир. Бу билан биринчидан, ўқувчида ўз она тилига катта иштиёқ, иккинчидан, ўзи туғилиб ўсган ғўшаси, макони, ватанига садоқат туйғулари шаклланиб боради.

Ўзбек тилининг ибтидосини, катта саҳифасини лексикология ташкил қилади. Бу тилшунослик фанининг луғат таркибини, унинг бойлигини, ранг-баранглигини ўрганувчи энг муҳим бўлимлардан биридир. Шунинг учун ҳам ўқитувчи тилнинг луғат бойлигини ҳозирги аҳволи жиҳатидан ҳам, ўтмиш тараққиёт босқичи жиҳатидан ҳам тўғри ва аниқ тасвирлаши, таҳлил қилиб бериши лозим бўлади.

Тил қатламини мукаммалроқ таҳлил этсак, унинг луғат бойлиги беш манба негизида эканлигини кўрамиз. Булар умумтуркий, ўзбекча, тожикча, арабча ва рус тилидан кирган сўзлардир. **Киши, от, қўл, оёқ, кўз, бир, икки** каби умумтуркий, **ошхона, улфатчилик, боғдорчилик, хушбичим, ҳаракатчан, чинакам** сингари ўзбекча, **дазмол, гилам, чироқ, даҳлиз, даста, режа, ранг, дарвоза, дутор, танбур, рубоб, достон** янглиғ тожикча, **касб, косиб, бино, иморат, овқат, асал, одам, инсон, аёл, оила, авлод, миллат, жасур** каби араб каломлари ва қатор русийзабон сўзларига ажратамиз. Булардан ташқари, қўшни ёки ўтмишда яқин алоқада бўлган ҳинд, ҳитой, мўғул каби халқларнинг тилларидан кирган сўзлар ҳам учрайди. Бут ҳинд тилидан, туман мўғул тилидан, чой, лағмон, шийпон ҳитой тилидан ва ҳоказо...

Ўқитувчи ўзбек тилининг жон томири бўлган бу муқаддас каломларни, сўз дурларини ўқувчилар онгига, шуурига мунтазам равишда сингдириб бориши керак. Яна айрим атамалар борки, жамият тараққиёти, ривожи туфайли ўзининг қадимий номини қайтадан кашф этмоқда. Уларни ҳам муаллим дарс давомида ўз ўрни билан изоҳлаши, шарҳлаб бериши лозим. Автор—муаллиф, адрес—манзил, агроном—ҳосилот, врач—ҳаким, кандидат—номзод, судья—ҳакам, фонтан—фаввора, хирург — жарроҳ, химия—кимё, территория — ҳудуд, печать — муҳр, тема — мавзу ва бошқа сўзларни ҳам шу тариқа ўрганиш мумкин.

Ўқувчиларга замон талаблари асосида билим бериш ўқитувчидан ғоятда изланувчанликни, чуқур билимни, катта кучни талаб этади. У ўз устида тинмай ишлаши, мазкур фанга оид рисолаларни мунтазам варақлаб бориши, шунингдек, газета ва журналлардан бахраманд бўлиши керак. Айниқса, тилшунос олимлар билан ҳамиша мулоқотда бўлиш, уларнинг иш тажрибасини ўз фаолиятига татбиқ этиш энг яхши натижаларни беради.

Дарс ўтишнинг энг самарали усулларидан фойдалана билиш керак. Бундай усуллардан бири мусобақа дарсларидир. Бу усул дарснинг қизиқарли, жонли, энг руҳли бўлиб ўтишига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг мавзуни тушуниши, билим, малака ҳосил қилиши осон кечади. Негаки, жараён боланинг бевосита аралашуви, гувоҳлиги билан давом этади. Натижада ўғил-қизлар мустақил фикр юрита бошлайдилар. Янги билим, янги қўникма ғўё ўзининг сеҳрли калитини бола қўлига тутқазгандек бўлади. Унинг ўткир, теран нигоҳларида нур чақнайди, шуъла ёнади... Шу йўсинда баҳс, мунозара, мусобақа қизғин тус олади, қизиб кетади. Ўқитувчи эса ўз кашфиётидан мамнун ҳолатда, ҳаяжон билан ўқувчиларини муаммо сари етаклайверади, мавзунинг бош мақсадига, бош ғоясига олиб чиқаверади. Дарс одатдаги дарслардан ташқари, кутаринки кайфиятда, жонли фикрлар, қизиқарли саволлар асосида, ғоятда ишчанлик вазиятида ўтади. Мусобақа дарсларининг афзаллиги ҳам шунда.

Бу, албатта, ўз-ўзидан бўлмайди. Ўқитувчи турли хил шакл, услублар яратади, турли хил йўналишлар ижод этади. Натижада, мусобақанинг ранг-баранг йўллари, қизиқарли саҳифалари очилаверади... Ҳар хил бошқотиргичлар, сўз ўйинлари излашга киришилади.

Расмга қараб ҳикоя тўздириш, ранг-баранг бирикмалар ҳосил қилиш, қисқа, лўнда жумлаларда катта фикрни ифодалаш ҳам бир санъат. Қўшимчалар билан турли сўз туркумлари ҳосил қилиш, уларни ўз маъносида бера олиш ҳам дарсни безайди. Масалан, 5-синфда «От—сўз туркуми» мавзуси ўтилганда, бошқотиргичлардан фойдаланиш мумкин. Тахтачанинг кенг саҳнига баъзи сўзлар сига оладиган қуйидаги катакчалар чизиб қўйилади ва саволлар билан мурожаат қилинади.

1. XV асрда яшаб ижод этган энг машҳур шоирнинг номи?

2. Ўзбекистоннинг пойтахти қаер?

3. Хоразмдан оқиб ўтадиган дарё қайси?

Ўқувчилар шунга ўхшаш саволларга жавоб топиб, тахтача олдига чиқиб, бирин-кетин ёза бошлайдилар. Натижада ўқувчиларнинг фикри жонланади. Бу эса уларнинг мазкур мавзуга мос билимини кенгайтиради, миллий меросга, ўз юртига бўлган муҳаббатини шакллантиради.

Омонимларни ўтаётганда, бир хил сўз туркумига кириб, бир хил вазифадаги аффиксларни қабул қилувчи сўзларни топтириш буюрилади. Ўқувчилар эса тезлик билан, боғ-боғлар, боғда, боққа, чанг-чангли, чангсиз, чангда, от-отда, отли, отсиз каби атамаларни топишади.

Бир сўз туркумига доир бўлган фикрни аниқ ва мақсадга мувофиқ талаффуз қилишда, уларни ўйлаб топишда, нозик маъно оттенкаларига эга бўлган синонимларда ҳам бу ҳодиса ёрқин намоён бўлади. Ўқувчилар бир неча синонимик қаторларни ташкил қиладилар. Ижобий ва салбий маъноларни ифодаловчи сўзлар ёнма-ён ёзиб, шарҳлаб, изоҳлаб борилади:

Осмон, кўк, ҳаво, фалак, само, гардун;

Юз, афт, башара, бет, чеҳра.

Сал кейинроқ шу сўзлар иштирокида кичик-кичик матн, ҳикоячалар ҳам тўздириш мумкин. Бир-бирини инкор қилувчи сўзлар, зид маънони ифодаловчи антонимлар мавзусида ҳам шундай иш олиб бориш талаб этилади. Ўқитувчи ким кўп сўз топган бўлса, дарс якунида уни баҳо билан рағбатлантиради, бошқа фаолларни ҳам таъкидлаб ўтади.

Нутқимизда шундай сўзлар ҳам учрайдики, уларнинг маъносини бирданига тушуниш қийин. Шунинг учун ўқитувчи ана шу сўзларнинг луғавий маъносига эътибор қаратиб, ўзи ҳам, ўқувчиларини ҳам билиб боришга ундаши керак бўлади.

Дафтар — ўқув қуроли, китоб— билим манбаи, синф — ўқувчилар таҳсил оладиган жой, Ватан — инсон туғилиб ўсган ер ва шунга ўхшаган сўзларнинг луғавий маъносини билиш шарт. Луғат бойлигини оширишга бағишланган дарсларнинг қулами кенгдир. Китобий сўзлар, сўзлашув услубига хос атамалар, мевалар, эски ва янги сўзларни таққослаш, иборалар шарҳида ҳам амалга оширилади. Қуклам — баҳор, метро — метрополитен, кўк— мовий, ясанмоқ—безанмоқ, афсус—аттанг, ўйинчи—раққос янглиг сўзлашув ва китобий услубларга хос сўзларнинг қўлланиши, пахта — «оқ олтин». Помир — дунё томи, телевизор — «зангори экран», йўлбарс — ҳайвонлар подшоси каби тасвирий ифодаларнинг жозибадорлиги ўқувчилар қалбини сеҳрлайди, баҳс-мунозарага чорлайди.

Ҳа, луғат — бола тафаккурининг хазинасидир. Бу хазинада сўзларнинг дур-жавоҳирлари беҳисоб. Ўқитувчи уни ўз вақтида кўриб, асраб-авайлаб, кўпайтириб бориши лозим. Мусобақа дарслари шуниси билан характерлики, у ўткир зеҳнлиликка, жонли мулоқотга, қизиқарли ўйинларга, билим ва қўникмага, кучли идрокка ундайди. Ўқувчилар ўлкан бир китоб ўқигандек бу дарслардан қониқиш олишади. Шунинг учун ҳам бу усулдаги дарсларни тез-тез ўтказиб туриш — билимлар байрамига айланади. Болаларда она тили фанига меҳр-муҳаббат туйғулари шаклланади, луғат бойлиги ошади, уларни камолот сари етаклайди.

Гулсара ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани Улуғбек номидаги 45-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Иқтисод сабоқлари

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобида таъкидланганидек, «Чинакам талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларининг амал қилиши бозор иқтисодиётининг ғоят муҳим бўғини бўлиб, бу бўғин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг ўзаро жипс таъсирини таъминлайди».

Цивилизациялашган бозор шароитларини вужудга келтиришда эркин нарх белгилаш механизми маҳсулотни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнида айрим товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва бутун жамиятнинг манфаатларини энг мақбул даражада уйғунлаштириш имконини беради.

Меҳнат жараёнида кишида моддий ва маънавий эҳтиёж пайдо бўлади, бу эҳтиёжни у меҳнат қилишни давом эттириш билан қондириши мумкин. Маълумки, ишлаб чиқариш истеъмол билан узвий боғлиқдир, истеъмолнинг ривожланиши эса такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим фазаси ҳисобланади. Истеъмол бир томондан ишлаб чиқаришнинг натижаси бўлса, иккинчи томондан такрор ишлаб чиқаришнинг ҳар бир фазасига таъсир этувчи омил ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ва истеъмол эҳтиёжни вужудга келтиради, эҳтиёж қуйидагиларга бўлинади.

1. Шахсий эҳтиёжлар ҳар хил миқдорий ва сифатий кўрсаткичлар даражасида ўлчаниши мумкин.

2. Абсолют эҳтиёжлар — бу жамиятнинг потенциал истеъмоллилик кучини ифодалайди. Бунга озиқ-овқатга, турар-жойга, маънавий ривожланишга, ахборотга ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжлар киради. Булар турмуш даражасининг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади. Турмуш даржасининг асосий кўрсаткичлари эса фаровонлик даражаларидир.

3.Нисбий эҳтиёжлар — бунга ҳақиқий ва тўловга қодир эҳтиёжлар киради:

а) ҳақиқий эҳтиёжлар жамиятнинг олдинги, ҳозир ва истиқболда бўладиган реал предметларга бўлган эҳтиёжини ифодалайди. Бу шахснинг ҳар томонлама жисмоний ва маънавий ривожланишини таъминлайдиган мавжуд реал моддий буюмлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжидир. Моддий буюмлар ва хизматларни истеъмол қилиш кўрсаткичлари асосий кўрсаткичлар ҳисобланади;

б) тўловга қодир эҳтиёжлар — бу нафақат мавжуд товар массаси, балки аҳоли пул даромадлари даражаси ва товарлар нархлари билан чеклангандир. Демак, бу аниқ товарлар ва хизматларга бўлган талабни ифодалайди.

Тўловга қодир эҳтиёжлар талабда ифодаланади. Ҳозирда бир томондан товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар, иккинчи томондан бу товарларни истеъмол қилувчилар ҳаракат қилади. Истеъмолчиларнинг бозордаги ҳаракати талаб шаклида намоён бўлади.

Талаб — бу энг аввало бирон-бир товар ёки хизматларга бўлган эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлишидир. Талабнинг асоси эҳтиёж бўлар экан, эҳтиёж бўлиб талаб бўлмаслиги ҳам мумкин. Талаб реал (амалий) бўлиши учун товарни сотиб олишга етарли пул бўлмоғи керак, ҳақи тўланмайдиган эҳтиёжни бозор ҳисобга олмайди. Демак, талаб — бу шунчаки эҳтиёж эмас, балки тўловга қобил, пул билан таъминланган эҳтиёждир. Масалан, кимнингдир автомобиль сотиб олиш хоҳиши бўлса-ю бироқ бу хоҳиши харид қилиш қобилияти билан мустаҳкамланмаса, яъни зарур миқлорда пули бўлмаса, хоҳиши амалга ошмайди, унинг автомобилга бўлган эҳтиёжи бозорда юзага чиқмайди, яъни талабни ташкил этмайди.

Айрим харидор, қандайдир истеъмолчилар гуруҳи ёки бутун жамият харид қилиб олишни хоҳлаётган аниқ тайин товар ҳажми талаб қилинган товар миқдори дейилади. Талаб қилинган товарлар миқдорини бир қанча омиллар белгилайди: товар ёки хизматлар нархи, харидорлар диди, таъби, истеъмолчилар даромади; ўринбосар товар ва хизматчиларнинг нархи: мавжуд товар ва хизматларни харид қилиб олувчиларнинг умумий сони; инфляция эҳтимоли ёки тахмини. Санаб ўтилган омиллар орасида нарх ва харид қобилияти талабнинг тез ўзгаришига олиб келади. Шу нарса бизга аёнки, жамият аъзолари томонидан сотиб олинадиган товарлар ҳажмига, энг аввало, товар ёки кўрсатилаётган хизматларнинг нархи таъсир кўрсатади: нарх ўсган сари сотиб олинадиган товарлар ҳажми камаяди ва аксинча, агар товарнинг бозор нархи камайса, уни кўпроқ ҳажмда сотиб олинади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб шуни айтиш мумкинки, ҳар қандай товарнинг бозор нархи ва унга бўлган талаб ўртасида маълум бир нисбат мавжуд. Сотиб олинаётган товар нархи ва унинг ҳажми ўртасидаги узвий алоқани талаб чизиги ёки эгри талаб деб аталади. Талаб ҳажми ва унга таъсир кўрсатадиган омиллар орасидаги нисбат эса талаб функциясидир.

Талабнинг нархдан олинган функциясини биз жадвал, аналитик ва график усуллар билан тасвирлашимиз мумкин.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, нарх билан талаб миқдори ўртасида тескари боғлиқлик ҳам мавжуд. Ана шу акси алоқа талаб қонуни дейилади. Бу қонуннинг асосида нималар ётишини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

— одатда, кишилар мавжуд товарни унинг нархи юқори бўлган шароитда ҳақиқатан ҳам камроқ харид қилиб оладилар, чунки юқори нарх истеъмолчиларда харид қилиш хоҳишини сўндиради, паст нарх эса бу хоҳишни кучайтиради;

— ҳамиша маҳсулот харид қилувчи, ҳар бир шахс маҳсулотнинг кейинги бирлигидан камроқ қониқиш, наф ёки лаззат олади. Шу сабабли истеъмолчилар маҳсулотнинг қўшимча бирлигини нархи пасайиб борган шароитдагина харид қилиб оладилар;

— маҳсулот нархининг пасайиши истеъмолчи пул даромадининг реал харид қобилиятини оширади. Шу туфайли у мавжуд маҳсулотни олдингига қараганда кўпроқ харид қила олади. Юқорироқ нарх аксинча ҳолатга олиб келади. Юқори нархлар шароитида қиммат товар ўрнига анча паст нархдаги, аммо ўхшаш бўлган товарни сотиб олишга рағбат пайдо бўлади. Истеъмолчиларда қиммат маҳсулот ўрнини арзон товарлар билан алмаштиришга мойиллик мавжуд. Жами бозор талаби ёки муайян бозордаги умумий талаб эса барча истеъмолчилар талабининг йиғиндисидир.

Талабнинг қарши томонида таклиф туради. **Таклиф ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва муайян пайтда бозорга чиқарилган ёки келтириши мумкин бўлган жами товарлар ва хизматлар миқдоридир.** Ишлаб чиқарувчилар бозорда сотишга мўлжалланган товар ҳажми таклиф қилинган товарлар миқдори дейилади. Товарлар таклифининг ҳажми сотишга чиқарилган товарлар суммаси билан белгиланади.

Товарлар ва хизматлар таклифи ишлаб чиқариш миқёси ва унинг таркибига боғлиқдир. Бироқ товарлар таклифи яратилган маҳсулотлар миқдорига тенг бўлмаслиги мумкин, яъни товарларни таклиф қилиш ва неъматлар ишлаб чиқариш ҳажмлари бир хил бўлмаслиги мумкин. Яратилган маҳсулотнинг фақат бозорга чиқариладиган қисми товар маҳсулоти дейилади, унинг бозорга чиқарилмайдиган қисми таклифни юзага келтирмайди. Товарлар таклифни маҳсулотнинг товарлик даражасига, шунингдек, бозорга етказиб беришга ҳам боғлиқ.

Таклиф қилинган товарлар миқдорига қатор омиллар, жумладан, товар нархи, ресурслар нархи, ишлаб чиқариш технологияси, солиқлар ва субсидиялар, бошқа товарлар нархи, нарх ошиш эҳтимоли, товарни ишлаб чиқарувчиларнинг сони кабилар таъсир этади.

Шуни қайд қилиш жоизки, агар талаб функциясида (эгри чизиғида) талаб ҳажмининг ошиши билан товарлар нархи пасайиб борса, таклиф функциясида нарх ошишига мувофиқ равишда таклиф миқдори ҳам ортади, нарх пасайиши билан таклиф ҳам қисқаради. Бундай ўзига хос боғлиқлик таклиф қонуни деб аталади. Демак, **таклифнинг функцияси — бу бозор нархлари маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқаришга ва уни сотишга рози бўлган ҳажми ўртасидаги нисбатдир.**

Шундай қилиб, талаб ва таклиф — бозор иқтисодиётининг объектив қонуни бўлиб, у ўзида товарларга талаб ва товарлар таклифи ўртасидаги мунтазам ва узвий алоқаларни акс эттиради. Талаб ва таклиф қонунига кўра, бозордаги талаб ва таклиф фақат миқдоран эмас, балки ўзининг таркиби жиҳатидан ҳам бирбирига мос келиши керак ва шундагина бозор мувозанатига эришилади.

Ҳозирги кунда бозор иқтисодиётининг асосий талаби бозор пештахталарини мўл-кўл маҳсулотлар ва товарлар билан тўлдиришдир. Бунинг учун меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қўшимча иш жойлари яратиш керак. Бу муаммони ҳал этиш учун кичик ва майда бизнес ишларини ривожлантириш даркор, яъни бизнинг республикамиз шароитида кичик корхоналарни ривожлантириш жуда ҳам зарур. Айниқса, бу ишни аҳолиси кўп бўлган қишлоқ жойларида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Кичик корхоналарни мактаблар, лицейлар ва коллежларда ҳам ташкил этиб, уларда пойабзал, кийим-кечак тикадиган цехлар ҳамда фермер (деҳқон) хўжаликларини вужудга келтирмоқ керак. Ана шу кичик ишлаб чиқаришда ўқувчилар меҳнатидан фойдаланилса, ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан ташқари мактабларда кичик бизнес, менежер тайёрлайдиган курслар ташкил этилса келгусида республикамиз учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга замин яратилади.

Нутфулло ХЎЖАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Дил изҳори

ҲАММАСИ УЧУН РАҲМАТ!

ОЧЕРК

Тонг. Тоғлар ортидан товланиб чиқаётган қуёш заррин нурларини рўйи замин узра таратишга шайланмоқда. Бутун олам янги кун умиди билан уйғонмоқда. Салима опа ҳам ҳар бир янги кунни умид ва ишонч билан кутиб олади. Бугун болаларимни қандай хурсанд қилсам, кўнгилларига хуш кайфият бахш этсам, деган ўй ва умидлар билан ишхонага йўл олади.

Унинг эса болалари кўп. Интернат мактабда таълим олаётган болаларни қизим, ўғлим деб ўз фарзандлари қаторида кўради.

Маълумки, ҳар бир касбнинг ўзига хос сир-синоати, машаққатли томонлари, шу билан бирга ўзгача гашти, таровати бўлади. Муаллимлик ҳам энг қадимий касблардан бири ҳисобланиб, ўз масъулият мавқеини ва обрў-эътиборини бизнинг давримизда ҳам асло йўқотгани йўқ.

Салима Шодмонова салкам чорак асрдан буён муаллимлик машаққатини тортиб, роҳатини кўриб келаётир. Табиатан одамохун, кенг қалб эгаси, меҳрибон Салима опа узоқ йиллардан буён Тошкент шаҳридаги Й. Охунбобоев номли махсус кўзи ожиз болалар мактаб-интернатида мураббийлик қилиб келади. Бу мактабда ишловчи педагоглар бошқа ҳамкасбларига нисбатан кўпроқ масъулият ҳис қиладилар.

Тақдирнинг бешафқат ҳукми билан туғма ёки тасодифий фалокатлар туфайли бир умрга ногирон бўлиб қолган болаларга таълим-тарбия бериш қанчалик савоб иш бўлиш билан бирга, нақадар машаққатли ва мураккабдир.

Кўзи ожиз ногирон болалар ўзгаларнинг нигоҳини кўзлари билан кўрмаса-да, кўнгил кўзлари билан унинг қандай инсон эканлигини фарқлайдилар. Руҳан инжиқ шу болалар Салима опани ўзгача меҳр билан яхши кўришади, атрофида парвона бўлишади. Ўгитларига жон деб қулоқ солишади, ўргатганларини бекаму кўст бажаришга ҳаракат қилишади.

Салима Шодмонова — оддий меҳнат муаллими. Маиший хизмат фанидан дарс беради. Ўқувчиларнинг бўлажак ҳаётида, турмуш тарзида зарур бўладиган касб ва юмушларни ўргатади. Ўқувчи қизлар тўқувчилик, тикувчилик, пазандалик ишларини опадан ўрганадилар. Опа қилаётган иш, ўргатаётган ҳунар ўзгалар назарида оддийгина бўлиб туюлса-да, мактаб-интернатда тарбияланувчилар учун ўта аҳамиятлидир. Келажак ҳаётларига нисбатан анча умидсиз қараган болалар, биринчидан, шу ҳунарларни ўрганиш билан машғул бўлиб, кўнгиллари бироз таскин топса, иккинчидан, биз ҳам ҳар нарсага қодирмиз, деган эътиқод кўнгилларидан мустаҳкам ўрин олади. Уларнинг ҳаётга бўлган муҳаббатлари, яшаш учун курашишлари кучаяди. Энг асосийси, бировнинг кўмагига зориқмасдан, ўзи ҳар бир юмушни эплаши мумкинлигига ишончи ортади.

Маълумки, ҳар бир ишни ўргатиш ҳам, ўрганиш ҳам мураккаб жараён. Одатдаги мактабда ўқиган қизларнинг ҳам камдан-камигина меҳнат сабоғида олган таҳсили орқали тикувчиликни ёки тўқишни ўрганиб оладилар. Демак, кўзи ожиз қизларга бу ҳунарни ўргатиш муаллимдан қанчалар меҳнат талаб қилиши шундоққина маълум.

Моҳир устоздан турли ҳунар бўйича таълим олган қизларнинг тўқиган буюмларини, тиккан кийимларини кўриб, пиширган сомса ва мантиларини тотиб, бу ёшларнинг уқувига, матонатига қойил қолмай илож-жингиз йўқ. Улар барча юмушларни меъёрида эплашади, ҳатто, игнага бемалол ип ўтказишади. Газ печкаси оловининг баланд-пастлигини тафтидан, манти хамирининг қалин-юпқалигини салмоғидан, тўқиган буюмининг бежиримлигини силлиқлигидан англаб етишади.

Албатта, бунда устоз таълими, унинг сабр билан ўргатган сабоқлари асқотади. Салима опа ҳар бир шогирдига касб ўргатишдан олдин, уни шу ҳунарни ўрганишга маънавий жиҳатдан тайёрлайди. Сўниқ қалбида ҳаётга умид уйғотиб, унинг ҳеч кимдан кам эмаслигига ишонч уйғотади. Устоз ўтадиган машғулотлар, аслида бир соатга мўлжалланса-да, баъзан уч-тўрт соатлаб давом этади. Чунки кўзи ожизларга ҳунар сир-асрорини ўргатиш жараёни ниҳоятда қийин кечади, ҳар бир ҳаракатни қайта-қайта такрорлаб ўргатишга тўғри келади.

Ҳамкасбларининг айтишларича, Салима опа машғулот вақтида, ўргатувчи ва ўрганувчи ўртасида вазият қанчалик қийин кечса-да, ҳеч қачон асабийлашмас экан. Ҳар қандай ҳолатни ҳам меҳр ва сабр билан енгар экан. Ҳар бир ўқувчисини ўз фарзандидай кўрадиган, улар келажаги учун қайғурадиган, фақат устоз бўлиб эмас, балки уларнинг ҳар бирига бир меҳрибон она каби муомала қиладиган Салима опанинг меҳнат фаолияти мактаб-интернатда аллақачон шуҳрат топган.

Бу мактабни битириб кетган ўқувчилар ҳам доимо опани эслаб туришади. Мактубларида ўзларининг ҳаётлари ҳақида ёзишади, ҳали-ҳамон турли мураккаб ҳаёт зиддиятларидан қандай чиқишлари ҳақида маслаҳатлар сўрашади.

Мана, қўлимда ўнлаб Салима опа номига келган хатлар. Бу мактубларнинг ичида биттаси, айниқса, эътиборимни тортди.

«... Салима ойи, мен сизни она деганман. Билмадим, агар ҳаётда сизга ўхшаган инсонлар бўлмаганда турмушим қандай кечарди. Албатта, фожиали, буни ўзим аниқ билардим. Менга ҳамма: «Сен ниҳоятда чиройлисан», — дейишарди. Мен эса бундан қаттиқ азоб чекардим. Чунки чиройли ва хунук қанақа бўлишини ҳатто тасаввур ҳам қила олмасдим. Чунки менинг кўзларим осмоннинг рангини, гулларнинг чиройини, онамнинг юзини кўришдан маҳрум эди. Мен туғма кўр эдим. Ҳар сонияда қоқилиб-суқилиб, кимларнингдир кўмагига зор бўлиб яшашни асло истамасдим...

Илк бор сизнинг машғулотингизга кирганимда бу аёл бизни калака қилаётибдими, деб ҳам ўйлагандим. Ахир, кўр инсон қандай қилиб тўқиш ёки тикишни эплайди деб. Лекин мен янглишган эканман. Сизнинг ўша сўзларингиз — «Агар чин дилдан кимки бирор нарсага ҳаракат қилса, албатта, ниятига етади», деган сўзларингиз дилимга таскин берди. Сиздан астойдил ҳунар ўрганишга ҳаракат қилдим. Ҳаммаси яхши бўлди. Мана кўп йиллардан буён Самарқанддаги кўзи ожизлар тикувчилик фабрикасида тикувчи бўлиб ишлайман. Ҳатто илғор ишчиман. Ҳаётда ҳам бахтиёрман. Турмуш ўртоғим билан иноқмиз. Уч фарзандимиз бор. Сиздан ўрганган пазандалик туфайли мен тайёрлаган таомларни ҳамма мақтайди. Ҳаммаси учун сизга раҳмат, Салима опа!

Қизингиз Фарида».

Тонг отди. Яна янги, ёруғ кун бошланди. Салима Шодмонова учун ҳам янги ташвишли ва умидли кун!

Абдураззоқ КАРИМОВ,
журналист.

Болаликнинг Дунёлари бисёр: ўйинлар дунёси, китоблар дунёси, эртаклар дунёси... Ҳар бир дунё болалар учун бир босқич. Ҳайрат остонасига етакловчи манзил. Ҳамза туманидаги 308-болалар боғчаси тарбияланувчилари ҳам кейинги босқичга қадам қўйишмоқда. Китоблар дунёсига, илм оламига шўнғиш тараддудида турибдилар. Кўзларида ҳаяжон, юзларида жиддият.

— Биз болаларга китобга меҳр туйғусини сингдирмоққа ҳаракат қилдик, — дейди боғча мудираси Раиса Соколовская, — умидимиз бор, бу туйғу уларни ҳеч қачон тарк этмайди.

Биз ҳам шу умидга қўшилдик.

Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

Халқ таълими фидойилари

СИЗДАН БОШЛАНАДИ... ТАФАККУР

Математика ақлни тарбиялайди, деган машҳур гап бор. Инсон тафаккурининг ноёб меваларидан бўлмиш бу қадимий фан изчил фикр юритиш, тўғри фикрдан тўғри хулосалар чиқара олиш, боланинг мушоҳада йўсинини тартибга солиш каби қатор фазилатларни шакллантирадики, буларсиз бирон-бир соҳанинг росмана мутахассиси бўлиш қийин. Ёш авлодни бу қадимий фаннинг сир-синоатлари билан таништириш, айниқса, шарафли иш. Мурғак ақлни тўғри йўлга солиб юбориш, ундаги ички имкониятларни очиб, кичик-кичик кашфиётлар томон йўллаш, энг аввало, математика ўқитувчисининг хизматидир. Муаллим ўз касбининг моҳир устаси булса, математика дарслари болалар учун кичик бир байрамга айланиши табиий.

Туроб Эргашев шундай туғма ижодкор муаллимлардан. Дастлаб у Қибрай туманидаги 1-ўрта мактабда фаолият курсатди. 1976 йилдан бошлаб то шу кунга қадар шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 223-мактабда ёшларга таълим ва тарбия бериб келмоқда. Айтиш жоизки, Туроб ака физика ва математика фанларини чуқур урганиш синфларининг дастлабки жонкуярларидан. Тошкент шаҳар педагогика жамияти чоп этган «Илғор тажриба мактаби» (Тошкент, 1992) тўпламида Туроб Эргашевнинг «Физика чуқурлаштириб урганиладиган синфларда мослашган дастур асосида математика таълимининг самарадорлигини ошириш» мақоласи ўрин олганки, унда янги иқтисодий шароитда қадимий ва навқирон фаннинг татбиқ доираси янада кенгайганлиги таъкидланади. Унда, жумладан, қуйидагиларни ўқиймиз: «Мазкур синф ўқувчиларида математика фанининг тармоқларидан олий алгебра, математик таҳлил, математик мантиқ ва эҳтимоллар назарияси каби фанлар юзасидан тасаввур ҳосил қилиш, математика соҳасида эришилаётган ютуқлар халқ хўжалигида муваффақиятли қўлланилаётганлиги ва бу фан инсон ақл-заковатини ишга солиб, электрон-ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, хилма-хил инженерлик, иқтисодий, молиявий ҳисоб-китоб вазифаларини ўз зиммасига олаётганлиги, бунинг натижасида инсон меҳнати янада унумдор булаётганлиги ҳақида батафсил таништириш мақсадга мувофиқдир».

Туроб Эргашев 1992 йилда «Энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови ғолиби бўлди. Шунингдек, у шаҳар, туман халқ таълими булими ва мактаб маъмурияти томонидан бир неча бор фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Камтарин ва олижаноб инсон Туроб Эргашев жамоа орасида катта обрўга эга. У кўп йиллар раҳбарлик қилган барча синф ўқувчилари интизоми, жамоат ишларида ҳозиру нозирлиги билан ажралиб турган ва ҳозир ҳам шундай. Бу мактабда утказиладиган турли тадбирлар, ҳашарларда ва шунингдек, ўқувчилар узларини узлари бошқаришлари мисолида яққол кўзга ташланади.

Олий тоифали математика ўқитувчиси Туроб Эргашев мустақил юртимизга хос ва мос авлод тарбиялашда, келажаги буюк давлатнинг муносиб эгаларини етиштиришда билим ва кучини аямасдан сарф этмоқда. Шоир ушбу сатрларни Туроб акадек заҳматкаш муаллимларга қарата ёзгандек туюлади:

Сиз мўъжаз юракда ёқолган ёғду,
Оқибат қуёшдек соча олар нур.
Буюклар ҳаққига қасамёд гап бу:
Сиздан бошланади асли Тафаккур.

Сувон МЕЛИЕВ,
ЎзРФА Алишер Навоий номли Адабиёт институтининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди.

Қадриятларимиз

ТАРЖИМОНЛИК ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Таржимашунослик Турон заминида ўрта асрлардаёқ вужудга келган. Кўҳна тарих шундан далолат берадики, аждодларимиз асосан форс ва араб тилларида ёзилган асарларни таржима қилиш ва она тилида битилган бир қанча бадиий ва илмий дурдона асарларни араб тилларига ўгириш билан кўпроқ қизиқишган. Таржимонлар ўзларининг самимий хизматлари туфайли жаҳон адабиёти дурдоналаридан юртдошларини бахраманд этганлар. Уларнинг ишлари ҳозиргача ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Кўпгина араб ва форс тилларида ёзилган ўлкамиз тарихига оид асар таржималари ўтмишни чуқур урганишимизда қўл келмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур даврида оғзаки ва ёзма таржимонлик анчагина кенгайган. Айниқса, Темур саройида кўпгина зукко таржимонлар йиғилган эдилар. Бу эса Соҳибқироннинг таржимонлик санъати ва унинг ривожига эътибор берганлигидан далолат беради. Амир Темур ўзи билан кўпинча таржимон олиб юрар ва улардан бири Абдулжаббор исмли тилмоч эди. Баъзи маълумотларга қараганда Абдулжаббор оғзаки таржимада ўзига хос усул қўллаган.

Бир пайтлар Мисрда қозилар қозиси бўлган Вамуддин Абдураҳмон ибн Холдун ҳам Темур давридаги саройда тилмочлардан бири экан. Бу даврга келиб эса Ғарб мамлакатлари тиллари ҳам кириб кела бошлади. Амир Темур ушанда Франция қироли Карл VI, Англия қироли Генрих IV ҳамда Кастилия ва Леон қироли Генрих III де Трастомарилар билан дипломатик алоқалар урнаттан. Амир Темур 1402 йилнинг ёзида Франция ва Англияга махсус элчи юборади. Элчиликка саройдаги моҳир димломант ва таржимон архиепископ Иоанн Галониорентибус бошчилик қилган. Ватикан вакили Иоанн худди шу даврда Темур давлати билан Англия ўртасидаги дипломатик алоқаларни ривожлантиришда воситачилик ролини ўйнаган. Бундан ташқари Пайо де Сотомайор ва Эрнан Сангес Паласуслос каби испан элчилари ҳам Ўрта осиёлик тилмочларга испан тилини ўргатишга катта ёрдам берганлар. Кейинчалик испаниялик Руи Гонзалес де Клавихо ҳам Соҳибқирон саройида хизмат қилди. Ўша даврда испан элчилари Хитой, Ҳиндистон, Рум, Зобулистон, Ироқ, Шом (Сурия), Миср, Олтин Урда, Сахлаб (Русия) каби Шарқ ва Ғарбнинг кўп мамлакатларидан келган элчилардан юқорироқда ўтиришар эди.

Таржимонлик Темур давридан кейин XVI аср охирларидан яна ривожлана бошлади. Араб истилосидан кейин кўпгина Ўрта осиёлик олимлар ўзларининг илмий ишларини араб ёки форс тилларида олиб боришга мажбур булишган. Бу эса то Алишер Навоий давригача давом этган. Бунга оддийгина бир мисол тариқасида буюк дурдона асар булмиш «Шоҳнома» ҳам форс тилида битилган. Аслида «Шоҳнома» асарининг мўқаддимаси ва бир қанча боблари бухоролик шоир Дақиқий томонидан битилган, лекин унинг фожиали ўлими (у бир базмда ўлдирилган) — бу катта режанинг амалга ошмай қолишига сабаб бўлди. Қадимий афсона ва ривоятларни, тарих китобларини мукаммал билган Фирдавсий «Шоҳнома»ни давом эттира бошлайди. 30 йилдан ортиқроқ вақт давомидаги меҳнат маҳсули бўлмиш 60000 байтдан иборат (бундан минг байти Дақиқий қаламига мансуб) бу асар биринчи бўлиб хоразмлик адиб Ҳасан Муҳаммад томонидан насрий усулда таржима қилинди. У 1497 йили асарда ги «Сиёвуш» достонининг ўзбекча, насрий вариантини яратди.

1750-55 йиллар орасида қўқонлик шоир Шоҳ Ҳижрон «Шоҳнома»нинг «Бижон ва Манижа» достонининг насрий таржимасини яратди.

Шундан сўнг «Шоҳнома»ни ўзбек тилига Низомиддин Ҳомуший, Нормуҳаммад Бухорий, Очилдимурод Мирийлар ҳам таржима қилдилар. Нормуҳаммад Бухорий «Шоҳнома» ни ўта эркин таржима қилиб ортиқча тафсилотларни қўшиб юборган. Очилдимурод Мирий эса «Рустам ва Сухроб» достонини асл вазнда ғоятда жозибали таржима қилган. 1974-76 йилларда «Шоҳнома»нинг уч жилдлик янги ўзбекча таржимаси яратилди. Уни шоирлардан Ҳамид Ғулом, Назармат, Ж. Жаббора Ш. Шомуҳамедовлар амалга оширишган. Ҳозиргача бу асар француз, инглиз, лотин, итальян, голланд ва бошқа тилларга таржима қилинган. Инглиз тилига биринчи марта Я. Чемпион томонидан эркин таржима қилинган.

Яна бир муҳим қийматга эга бўлган Самарқанд тарихига оид «Самария» асари ҳам кўп таржимонларнинг эътиборини тортди. Абу Тоҳирҳожа томонидан форс тилида ёзилган ушбу нодир асар Абдулмумин Сатторий таржимаси билан ўлкамиз тарихини урганишимизда катта ҳисса қўшди.

Наршахийнинг арабча «Бухоро тарихи» асарини ҳам қайта ишлаб форсчага ағдарган Абу Наср Аҳмад ҳам таржимонлик соҳасида буюк хизмат қилган. Кейинчалик бу тарихий асар А. Расулов таржимаси билан кенг китобхонлар оммасига етиб борди.

XIX аср охири, аниқроги 1890 йилларда «Таржимон» газетаси чиқарила бошлаганидан кўпчилик хабардор бўлса керак. Мана шу воқеа Туркистонда таржимашуносликнинг анча ривожланганлигидан далолат беради. Бу даврда Муҳаммадшариф Суфизода, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат каби илғор фикрли маърифатпарварлар таржимашуносликда улкан муваффақиятларга эришишган ва чет элларда ҳам шуҳрат қозонишган. Масалан, Садриддин Айнийнинг «Дохунда» ва «Қуллар» романлари рус, болгар, немис, поляк, венгер, хитой, француз ва бошқа тилларга таржима қилинган. Бу даврда бизнинг таржимонлар рус адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига ўгиришга ҳам берилдилар.

Абдулла Қодирий Гоголнинг «Уйланиш», Чеховнинг «Олчазор» асарларига мурожжат қилиб, рус тилидан таржимага асос солди. Чўлпон ҳам таржимончилик соҳасида ўзига хос мактаб яратди. Айниқса, В. Шекспир қаламига мансуб «Хамлет» асарининг ўзбек тилида талқин этилиши катта қизиқиш билан кутиб олинди. Бундан ташқари А. С. Пушкиннинг «Дубровский», «Борис Годунов» каби асарларини ҳам ўзбекчага ўгирган.

Ойбек ижодига назар ташлар эканмиз, таржима асарлар салмоқли урин эгаллайди. Пушкиннинг «Евгений Онегин», Лермонтовнинг «Маскарад», арман эпоси «Сосунли Довуд» каби асарлар Ойбек домла томонидан катта маҳорат билан таржима қилинган. Кейинчалик Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Усмон Носир, Зулфия, Ҳамид Ғулом, А. Мухтор, П. Қодиров, Эркин Воҳидов каби юксак маҳорат соҳиби булган таржимонлар етишиб чиқди. Мақсуд Шайхзода таржимаси билан «Хамлет», «Ромео ва Жульетта» асарлари ўзбек китобхонлари орасида катта шуҳрат қозонган. Айниқса, Парда Турсуннинг Эмиль Золя, Ги де Мопассан каби нуфузли ёзувчиларнинг асарларидан қилган таржималари диққатга сазовордир. Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари, қиргиз эпоси «Манас» Миртемир томонидан ўзбекчага ўгирилиб, эътибор қозонган. Бундан ташқари Усмон Носир таржимаси билан А. С. Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани», Лермонтовнинг «Демон» асарлари, шоира Зулфия ўзбекчага ўгирган Амрита Притам, Лермонтов ва Некрасов асарлари нақадар маҳорат билан таржима қилинганлигини кўрамиз.

Юқорида биз тарихга қайтиб, таржимачилик соҳасига бир назар ташладик. Зеро, таржимончилик тарихи ҳозирда урганилиши керак булган энг долзарб соҳалар сирасига киради. Ҳозир республикамиз тараққиётида таржима асарларининг аҳамияти усиб бормоқда. Шундай булгач, биз ёш авлод ҳам бу соҳада ўз вазифамизни бажаришимиз керак, ана шунда биз булажак таржимонлар ҳам юртимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган буламиз.

Ғайрат ТОЖИБОЕВ.

Нафс бурчаги

Муҳиддин ЖАББОР

ЎХШАШ

Гудаклик, қарилик бағоят ўхшаш:
Бола чулдираши, чол гапи бир хил.
Сочда ҳам, бошда ҳам — бир хилда тўхташ,
Иккисин ардоқлаб асрагин, дер дил.

Гудак тили чиқса аввал она дер,
Онага талпинар қўлчасин чўзиб.
Қария — яшамоқ бир баҳона дер,
Кетмоқчи булади турмушдан ўзиб.
Гудакни узиш танг она куксидан—
Онага югурар — йиқилиб, туриб.
Чол умри тугашин сезиб уксиган,
Ҳаётдан буларми осон юз буриб?!

ОНА ЙИҒЛАР ЭДИ...

Бир дам кўзларида силқилади ёш,
Унсиз оқиб тушди ёноқларидан.
Юрагимга ботди улар булиб тош,
Мисрамда из қолди суроқларидан!
Унда мужассамдир саҳий, тоза қалб,
Онамнинг қалби у — бебаҳо буткул.
Менинг кўзларимда юлдуз булиб қалқ,
Тунли кунларимни нур билан юткул!!!
Ўтиб бораётир нурдай тез замон,
Сен онанг ҳақида ўйла, эй инсон!

УФҚЛАРГА ЙЎЛ

О йўллар, қай манзил сари чорлайсиз?
Нарида сиз ахир осмонга туташ.
Умримда кўп кўрдим —йўллар зорлайсиз,
Йўлида қон ютган ёримга ўхшаш!
Қалбимнинг наздида мен сизга етдим,
Наҳот йўллар булса чексиздан-чексиз,
Адаштириб мени қилмангиз етим!?
... Узимни-узимга танитдингиз сиз!

СЕВГИ БИЛАН ЯШАЙМАН

Ёшлик — гулларингнинг гуркирашидир,
Бўйинг етганлиги — сенинг камолинг.
Кўзингда севгининг нур қурашидир,
Узи қўйлатади мени — жамолинг!

Ҳаёт қулғу тутса сенга тутаман,
Қувончим ҳаммасин сочиб ўтаман.
Висол — бу тортиқ, тақдиримдан ўргилай,
Энди ҳавони ҳам сен деб ютаман!

Боғим сеникидир, ўзим сеники,
Сенга боқиб тўймас кўзим сеники!
Таянчим сен ўзинг эзгу муҳаббат!
Неки ижод этсам — сўзим сеники!

Спорт

ҲАФТАЛИК МУСОБАҚА

Тошкент шаҳрининг «Текстилчи» стадионида бир ҳафта мобайнида мактаб ўқувчилари ўртасида спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Унда соғломлаштириш масканлари, маҳаллалардан қиз ва ўғил болалар иштирок этиб, спортнинг енгил атлетика, сузиш, шахмат-шашка, футбол, волейбол турлари бўйича ўзаро куч синашишди.

СУРАТЛАРДА: 1). Шаҳар спорт қўмитаси раиси Суҳбат Пўлатов Чилонзор тумани ёш футболчиларини ғалаба билан табрикламоқда.

2). А. Икромов туманидаги 194-мактабда ташкил этилган «Нива» соғломлаштириш маркази ёш спортчилари енгил атлетика мусобақасида ғолиб бўлиб, фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар олишди.

Р. АЛЬБЕКОВ суратлари.

Хулласи...

«ҚОТИЛ» ПОМИДОРЛАР

Кинофестивалар ҳам ҳар хил булади. Америкада, масалан, киночилар йилда бир марта йиғилиб, жаҳон кинематографиясининг энг ёмон фильмини аниқлашади. Ана шундай фильмлар сирасига — «Қотил помидорлар босқини» кинолентаси ҳам киритилган. Кино шундай ажабтовурки, помидорлар бутун бир шаҳар аҳолисини қириб ташлашади.

Мазкур фильм ўз йулига. Бироқ ўйлаб қарасангиз, бизнинг асримиз ҳам ажабтовурда. Бир пайтлар эртак булиб туюлган нарсалар бир юмалаб ҳақиқатга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Мана, яқинда америкалик олимлар помидорнинг шундай бир навини яратишдики, уни ижобий маънода «қотил-помидор» деса булади. Гап шундаки, бу помидорлар қурт-қумурсқаларга қарши узлари курашади. Ундаги ген тизимидан озиқланган зараркунандалар улаверади. Ажабланарли жойи шундаки, бу одамга зарар қилмайди, албатта.

МАҚОЛГА ҚЎШИМЧА

Яхши булсанг ошингни, ёмон булсанг бошингни ейсан, дейишади. Бироқ, антиқа булиш ҳам бошга тош ёгдираркан.

Калифорния кондори Шимолий Американинг антиқа ва энг улкан қушларидан ҳисобланади. Бургутнинг катта акаси ҳисобланмиш бу қушнинг ёзилган қаноти уч метрга, вазни эса ун икки килограммгача етади. Тоғларни узига макон тутган. Афсуски, кейинги йилларда кондорлар сони умуман камайиб кетди. Ҳозирда уларнинг олтитагинаси эркинлик таъмини тотиб юрибди. Йигирма биттаси эса тутқунликда. Бор-йуғи — шу. Ҳаммаси булиб Ер юзида уттизтадан ошиқ кондор қолган, холос.

ЗАНЖИРЛИ ЧОРА

Венецияда экологик муаммолар жуда кескинлашиб кетди. Ҳаво ифлосланиб, сувларнинг таркиби ҳам бузилиб боряпти. Айниқса, шаҳарда каптарлар сони ҳаддан зиед ошди. Шаҳар маъмурияти ўйлабўйлаб, охири бир тухтамга келишди. Венецияга майналарни олиб келишди. Бу қушлар каптарлар тухумини хуш кўриб тановул қилар экан. Балки ушбу чора тўғридир. Бироқ, ўйловли томон шундаки, каптарлар ўрнига майналар кўпайиб кетса, кейин қайси қушни келтиришаркин?!

ЙЎҚДАН БОР БЎЛМАЙДИ

Дунёда ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳар бир унсурнинг илдизи нимагадир бориб тақалади.

Қуптармоқли ракеталар XX аср маҳсули. Лекин унинг пайдо бўлиш илдизи XI асрга бориб тақаларкан. Уша даврларда чиний жангарилар олов варраклардан фойдаланишар экан. Думи ёндирилган варрак уч юз метргача учиб бориб, рақиблар кемасини ёндириб юборган.

ана шунақа гаплар.

Қутлов

МАОРИФЧИЛАР ҲИМОЯЧИСИ

А. Куваева кўп йиллардан буён Самарқанд вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасига раҳбарлик ва 1995 йиддан эса шу қўмитанинг раис муовини лавозимида астойдил меҳнат қилиб келмоқда.

Адилия опа касаба уюшмасида раҳбар сифатида ўз билим ва тажрибасини тармоқ ходимлари, ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга меҳнат шароитини яратиш ва дам олишларини ташкил этиш ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратиб келаётир. Узбекистон Президенти фармонлари, ҳукуматимиз қарорларини амалга оширишда вилоятдаги тегишли идоралар, Халқ таълими бошқармаси ҳамда олий ўқув юртлари раҳбариятлари билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларни амалга оширишга катта ҳисса қўшмоқда.

Эришган ютуқлари туфайли А. Куваева ҳукуматимизнинг орденлари, медаллари ҳамда фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раёсати, аппарат ходимлари ва республика касаба уюшмаси фаоллари азиз ва муҳтарам Адилия Темировнани 60 йиллик умр тўйлари билан муборакбод этади.

60 ЁШЛИ «ЎҚИТУВЧИ»НИНГ ЯНГИ КИТОБЛАРИ

Она диёримиз истиқлоли муносабати билан умумтаълим мактабларида ўқитиладиган ўқув фанлари махсус концепциялар асосида қайтадан яратилмоқда. Жумладан, ўзбек адабиёти бўйича дастур ва дарсликлар биринчилардан бўлиб янгиланди ҳамда адабиёт ўқитувчиларига етказилди. Лекин энди мазкур дастур ва дарсликлар билан эскича, аввалги қолипларда ишлаб бўлмайди.

Шуни назарда тутиб, Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим илмий методика маркази томонидан 1993 йилдан бошлаб давр талаби даражасидаги ўқув-методик қўлланмалар нашр этиб келинмоқда.

Бу йил ҳам бир қатор ўқув-методик адабиётлар яратилди ва «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилди.



Шулардан бири методист олим Қозоқбой Йўлдошевнинг «Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари» номли қўлланмасидир. Олим кўп йиллардан бери адабиёт ўқитиш муаммолари, адабиёт ўқитишнинг янгича тамойиллари бўйича тадқиқот олиб боради. Мазкур рисола мана шу кўп йиллик изланишлар самараси ўлароқ вужудга келган.

Шу пайтгача адабий таълимнинг назарий муаммолари пухта ишланмаганлиги учун мактабларда адабиёт ўқитишнинг мақсади, вазифаси, мазмуни каби тушунчалар ҳалигача узил-кесил аниқлаб олинган эмас. Мактабда адабиёт нима учун ўқитилади ва қандай ўқитилиши кераклигини илмий асосда ишлаб чиқиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифаси эди.

Мазкур қўлланмада айни шу масалаларга алоҳида эътибор берилган ва бу муаммолар атрофлича тадқиқ этилган.

* * *

Нусратулло Жумахўжанинг «Сатрлар силсиласидаги сеҳр» қўлланмаси Алишер Навоий ғазаллари таҳлилига бағишланган.

Адабиёт муаллимлари учун мумтоз ғазалларни ўқувчиларга ўқитиш, ўргатиш ва таҳлил этиш дарсларини ташкил қилиш анча мураккаб кечмоқда. Адабиёт ўқитишдан мақсад эса ёш авлодга бадиий завқ берувчи нафосат ҳиссини тарбиялаш, минг йиллик адабиётимизнинг ноёб намуналарини ўргатиш ва таҳлил этиш орқали ўқувчиларда баркамол шахслик сифатларини шакллантиришдир. Бу мақсадни амалга ошириш учун ўқитувчилар аввало мумтоз асарлар таҳлили, мутолааси бўйича назарий ва амалий билимлар билан пухта қуролланишлари лозим.

Муаллиф рисолада Алишер Навоий ғазалиётини бутун бир мамлакатга қиёслайди, маънавият ва ғузаллик диёри, фалсафий-бадиий маънолар масканига ташбеҳлайди. Навоий орзусидаги маънавий комил инсон булиш учун, борлиқ, ҳаёт, инсонни тушуниш учун бу мамлакатни кашф этишга, забт этишга чақиради. Аммо бунинг учун аввал ғазалларни таҳлил ва мутолаа этишни, санъат сеҳрини илғаш, маъно дурларини ажратиб олиш ва асраб-авайлаш лозимлигини таъкидлайди.

* * *

Дастур ва дарсликлардаги мумтоз асарларнинг деярли ҳаммаси тасаввуф фалсафаси билан боғлиқ. Ўқитувчи мумтоз адабиёт намуналарини ўқувчилар онгига сингдириш, достон ва ғазалларни таҳлил қилишда бевосита тасаввуф таълимоти бўйича маълум билимга эга бўлиши лозим.

Султонмурод Олимнинг «Нақшбанд ва Навоий» рисоласи бу борада адабиёт муаллимларига яқиндан ёрдам бериши мумкин. Мазкур китобда асосан Навоий ижодининг Нақшбандия билан бевосита ва бўртиб кўриниб турган жиҳатлари ҳақида мулоҳаза юритилади. Шунингдек, тасаввуф ва унинг сулуклари, Яссавия ва Нақшбандия тариқатлари, уларнинг умумий ҳамда ўзига хос томонлари хусусида фикр юритилади.

Умуман, XX асргача бўлган адабий асарлар бевосита тасаввуф таълимоти билан боғлиқ. Мана шу жиҳатдан рисола ўқитувчиларнинг тасаввуф фалсафаси хусусидаги билимларини бойитади, янги мушоҳадалар билан тўлдиради, деб ўйлаймиз.

* * *

«Бобур маърифати» номли рисола Исматиллахон Мирзаев қаламига мансуб.

Буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўлмас асарлар ижодкори, олим, шоҳ булиш билан бирга ўз замонасининг, ўз даври маърифатининг оташин тарғиботчиси ҳам булган.

Бобур кишиларни биродарликка, иноқликка, шафқатли, инсофли булишга, Ватанни эъзозлашга чақирган. Мумтоз адиб аҳолининг осон, қулай савод чиқариш йулларини изслайди, кишиларни саводхонликка ундайди, адабий тил ҳамда нутқ маданияти ривожи учун курашади.

Мазкур рисолада муаллиф Бобурнинг халқ таълимига қушган ҳиссаси, хулқ ва оила тарбияси, ватанпарварлик ва эътиқод ҳақидаги, дуслик ва биродарлик, айниқса, нутқ маданияти учун курашганлиги ҳақидаги маълумотлар, далиллар, буюк кишиларнинг фикрларидан ва Бобурнинг ўз асарларидан мисоллар келтириш билан ифодалайди. Рисола жозибали тил билан ёзилган.

* * *

Юқорида қисқа баён этилган ўқув-методик адабиётларнинг барчаси адабиёт муаллимларига, адабиёт билан шуғулланувчилар, талабалар ва барча ихлосмандлар учун мулжалланган.

Назира ҒУЛОМОВА,
РТИММ бош методисти.

Шифокор маслаҳати

КЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ

Даволаш профилактика муассасаларидан олинган маълумотлар, мактаб ва мактабгача ёшдаги болаларнинг 25-32 фоизида кўриш қобилияти пастлигини кўрсатди, бу эса келажагимиз бўлган болалар учун анча ташвишли ҳолдир. Мактаб ёшидаги болалар узоқ вақт ўқиш, ёзиш билан банд бўлиши ва бу ишлар етарли даражада ёруғ бўлмаган хоналарда бажарилиши кўзнинг зўриқиб ишлашига ва ниҳоят узоқни кўролмайдиган бўлиб қолишига сабаб бўлади. Агар оила бошлиқларидан бирида шундай касаллик бўлса, фарзандларда ҳам бу касалликка нисбатан мойиллик бўлади. Узоқни яхши кўрмаслик эса ёшларнинг касб танлаш имкониятларини чеклаб қўяди, улар хоҳлаган касбларида ишлай олмайдилар. Кўз касаллиги туфайли бериладиган ногиронликнинг ҳам 27 фоизини узоқдан кўролмайдиганлар ташкил қилади. Кўз ўта нозик ва айни вақтда ўта сезувчан анализатор бўлиб, ўзимиз яшаб турган коинотдан 90 фоиз информацияни кўз орқали қабул қиламиз.

Кўз тузилишини фотоаппаратга ўхшатишади. Кўзда нурни қабул қилиб оладиган ва уни синдириб, кўз орқасида жойлашган тўр пардадаги доғ деб аталувчи ерга йиғиб борадиган оптик система бор. Бу ерда мураккаб кўриш жараёнини вужудга келтирадиган кўз нерв толаларидан ташкил топган «фотопластинка» жойлашган. Бу ердан аналитик таассурот кўриш нерви орқали бош миянинг энгса қисмида жойлашган кўриш марказига боради ва шу ерда кўраётган нарса тўғрисида тўлиқ таассурот юзага келади.

Узоқдан кўра олмаслик кўз ҳажмини унинг оптик системаси билан номутаносиб эканлиги туфайли содир бўлади. Кўзнинг олд ва орқа оралиғида масофа кенгроқ ёки унинг оптик системасини нур синдириши нисбатан кучли бўлса, нур фокуси тўр парданинг керакли қисмигача етиб бормайди ва маълум масофада йиғилиб туради. Узоқдан кўра олмаслик даражаси қанча юқори бўлса, синган нурлар фокуси тўр пардадан шунчалик узоқда туради. Натижада киши узоқдаги нарсаларни аниқ-равшан кўрмайди, улар чаплашган яхлит ҳолда кўринади, аммо улар яқиндан яхши кўрадилар.

Айрим ҳолларда кўз ҳажми катталаша бориб, узоқдан кўролмаслик даражаси орта боради. Бу вақтда кўз пардалари, айниқса, нозик бўлган тўр пардаси чўзилиб, ингичкалашади. Натижада тўр парда нерв ҳужайраларининг бир қисми нобуд бўлади.

Узоқдан кўра олмаслик ва унинг авж олиш сабаблари ҳали тўлиқ аниқ эмас, аммо бунга ирсий мойиллик ва яқин масофада кўз билан бажариладиган ишларнинг қоронғи, ноқулай шароитда бажарилиши маълум даражада сабаб бўлиши аниқ. Сурункали касалликлар, витаминларнинг етишмаслиги натижасида организмнинг заифлашиши эса, бу касалликнинг келиб чиқишини осонлаштиради.

Мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари ходимлари нормал кўриш ўткирлиги, уни аниқлаш усули, кўз билан бажариладиган иш шароитларига қўйиладиган гигиеник талаблар, шунингдек, бу нуқсоннинг келиб чиқишига ва унинг авж олишига йўл қўймасликка қаратилган профилактик тадбирлар билан яхши таниш бўлишлари лозим.

Ота-оналар ўз фарзандларининг кўриш қобилиятини ёшлигидан бошлаб текшириб боришлари керак.

Агар ирсиятда мазкур касаллик бор бўлса, бу айниқса, зарур тадбир. Ўқув йилининг бошида ҳар бир синф раҳбари ўз ўқувчиларини текшириб, кўриш қобилияти паст болаларни туман поликлиникасидаги кўз шифокорининг кузатувига юбориши керак. Ота-она ва педагоглар ўқувчиларнинг қай бири ёмон кўради, кўзойнак тақади, билишлари, шунга қараб уларни қайси партада қандай ўтириши керак, кўз билан бажариладиган иш учун қулай шароит яратиб беришлари керак. Деразалар олдига баланд, сершох гулларни, аквариум ва турли кўргазмали қуролларни қўймаслик керак, чунки улар табиий ёруғликни айрим вақтларда 50 фоизгача камайтириши мумкин. Синф девори эшик, дераза ва синфдаги бошқа жиҳозлар нур ютувчи қора рангда эмас, балки очиқ рангларда бўлиши керак. Ҳаво булутли кунларда ва кечки оқшом пайтларида табиий ёруғлик етарли бўлмайди, бинобарин синфни сунъий ёритиш ҳам лозим.

Уйдаги дарсхонада стол дераза ёнида бўлиб, лампа чап томонда туриши ва у 60 вт. дан кам бўлмаслиги керак. Жойларда ёруғлик ортиқ даражада фарқ қилмаслиги учун бу вақтда уй лампасини ҳам ёқиш лозим.

Ўқувчиларнинг бўйи улар ўтирадиган партага мос бўлиши ҳам муҳим гигиеник шартлардан биридир. Бошлангич синф ўқувчилари партага тўғри ўтирганда, партага қўйилган қўл тирсагидан бармоқ учлари кўз сатҳигача бўлиши керак. Уйда ҳам дарс тайёрлаш вақтида улар қандай ўтириши кераклигини яхшилаб тушунтириш лозим. Борди-ю, мактабгача парта ёки уйдаги стол-стул бола бўйига мос келмаса, у эгилиб ва қияланиб тез чарчайди, кўз билан дафтар-китоб оралиғи камайганда, кўзнинг ички ва ташқи мушакларига зўр келиб тез чарчашига ҳамда кўзнинг олд ва орқа сатҳлари оралиғини узоқлаштириб, узоқдан кўролмасликнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Кўз толиқишини зўрайтирмаслик учун телевизор кўрсатувларини томоша қилишда ҳам гигиеник талабларга амал қилиш лозим. Аввало телевизор экрани 2-3 метр масофада кўз сатҳига тенг баландликда туриши керак. Бу вақтда хона чироғи ёниб туриши лозим бўлади. Кичик мактаб ёшидаги болаларга бағишланган кўрсатув ҳафтасига 2-3 марта 60 минутдан ортиқ бўлмаслиги талаб этилади. Узоқдан кўролмайдиган болалар учун ўқиш билан боғлиқ бўлмаган, кўз орқали бажариладиган ишлар имкони борича камайтирилиши керак.

Узоқдан кўра олмаслик, 6,0 диоптриядан ортиқ бўлса, кўз орқали бажариладиган иш вақтини 15 минутгача камайтириб, оралиқ дам олиш вақтини 10 минутгача ўзгартирилади. Бундай мактаб ўқувчиларига тана чайқалиши, ҳолатининг кескин ўзгариши билан боғлиқ жисмоний машқлар, оғир юк кўтариш, бошни пастга эгиб бажариладиган ишлар ман этилади. Ҳар бир конкрет шароитда боланинг кўриш қобилиятига салбий таъсир этувчи омиллар бўлиши мумкин. Буларни ўқитувчилар, ота-оналар ва тиббиёт ходимлари ҳамкорликда ишлаб бартараф этишлари керак.

Д. АБДУНАЗАРОВ,
Тошкент вилояти кўз касалликлари шифохонаси бош врачи.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 37-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Румил Низамов номига берилган А № 434113 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институт ректорати ва касаба уюшмаси институт ходими Тожихон Курбоновага онаси

Маъсуда ҚОДИРОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси Бекобод тумани халқ таълими бўлими мудири Курбон Аҳмедович Алмановга онаси

Моҳинисо АЛМАНОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кучаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Икром БУРИБОЕВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0381. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456